

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ**

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ
қайта тайёрлаш ва малака ошириш
йўналиши

**“ЗАМОНАВИЙ ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ
ТИЗИМЛАРИ”**

модули бўйича

ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент - 2016

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2016 йил «__» ____даги __-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.

Тузувчи:

Тошкент давлат юридик университети Хуқуқий информатика ва тизимли таҳлил асослари кафедраси катта ўқитувчиси М.Юнусова.

Тақризчи:

Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ўқитувчиси Карлос Алберто Мартинез Ферреро.

*Ўқув -услубий мажмуа Тошкент давлат юридик университети кенгашининг 2016 йил
____ даги __-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР	10
III.	НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР	17
IV.	АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	96
V.	КЕЙСЛАР БАНКИ	99
VI.	МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ	102
VII.	ГЛОССАРИЙ	103
VIII.	АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	106

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараённига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогик маҳоратни ошириш, инновацион педагогик технологиялардан ўринли ва самарали фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитиши, мустақил таълим олишни кенгайтириши назарда тутувчи ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларнинг педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, тингловчи шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларни амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

Модулнинг мақсад ва вазифалари

Модулнинг мақсади:

- педагогнинг шахсий ва касбий фаолиятидаги ахборот майдонини лойиҳалаш метод ва воситалари ҳақида тасаввурни ривожлантириш;
- интернет қидирув тизимлари турлари билан танишиш ва улардан ахборот излашда фойдаланиш;
- шахсий ва касбий маълумотларини web-саҳифаларга жойлаштириш;
- педагогнинг электрон портфолиоси тизими билан ишлаш ва унга касбий фаолият натижаларини тизимли киритиб бориш;
- анимацияли тақдимот материалларини яратиш, электрон жадваллар билан ишлаш ва улардан самарали фойдаланиш учун ахборотни излаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш;

-электрон форматдаги ўқув материалларини яратиш имкониятини берувчи дастурий маҳсулотлар билан ишлаш;

-олий таълим сифатига таъсир ўтказадиган электрон таълим имкониятларини очиб бериш.

Модулнинг вазифаси: Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини малака ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнида педагогнинг касбий фаолиятида ахборот ва ахборот тизимларини тадбиқ қилиш методларини ўргатиш, шахсий ва касбий web-саҳифаларини, анимацияли тақдимот материалларини яратиш воситалари билан таништириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Замонавий хукуқий ахборот тизимлари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- педагогнинг ахборот ва ахборот тизимлари турларини;
- компьютернинг дастурий таъминотидан фойдаланишини;
- хукуқ соҳасига оид интернет тармоғида мавжуд илмий янгиликларни **билиши** керак.

Тингловчи:

- таълимни ташкил этиш принциплари;
- таълим методларининг турлари, таълимни ташкил этиш шакллари, таълим жараёнида қўлланиладиган ўқитишиш воситалари, ўқитишиш жараёнида ишлатиладиган техник-дастурий воситаларнинг турлари;
- таълим жараёнида интернет тизимини қўллаш бўйича **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ташкил этишда педагог ахборот тизимларида ишлаш;
- интернет қидириув тизимларидан ахборотларни излай олиш;
- web-саҳифалардан ахборот олиш ва уларга турли маълумотларни жойлаштира олиш;
- очиқ онлайн курсларидан фойдалана олиш бўйича **малакаларига** эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- хукуқий ахборот тизимларини қўллаш метод ва воситаларини ажрата олиш;
- ўқув жараёнини назарий тайёргарликнинг хукуқни қўллаш фаолияти билан узвий боғлиқлигини, талабаларда таҳлилий фикрлашни шакллантиришни, янги билимларни мустақил эгаллаш ва қўллашни таъминлайдиган ўқитишининг замонавий шакл ва методлари, педагогик, ахборот-коммуникациявий, инновацион технологиялар асосида ташкил этиш **компетенцияларига** эга бўлиши керак.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Замонавий ҳуқуқий ахборот тизимлари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Замонавий ҳуқуқий ахборот тизимлари” модули “Фуқаролик-ҳуқуқий ва тадбиркорлик (бизнес) ҳуқуқий фанларни ўқитишида назария ва амалиёт”, “Жиноий-ҳуқуқий фанларни ўқитишида назария ва амалиёт”, “Давлат-ҳуқуқий ва халқаро-ҳуқуқий фанларни ўқитишида назария ва амалиёт”, “Юриспруденцияда ёзма нутқ кўнималари”, “Юриспруденцияда тизимли таҳлил” каби модуллар билан ўзаро боғлиқ ҳамда услубий жиҳатдан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласди.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ҳуқуқий ахборот тизимларида ишлашга ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Мавзу номи	Ажратилган соат	Маъруза	Амалий	Мустақил таълим
1.	Ахборот. Ахборот тизимлари ва уларнинг имкониятлари.	2	2		
2.	Тармоқ тушунчаси. Интернет тармоғининг асосий хизматлари.	4		2	2
3.	Ҳуқуқий соҳа ахборот тизимларининг турлари ва автоматлаштурувчи тизимлар.	6	2	2	2
4.	Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.	2		2	
Жами:		14	4	6	4

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1 - мавзу: Ахборот тизимлари ва уларнинг имкониятлари.

Ахборот. Ахборотлаштириш, ахборот тизимлари. Ахборот ва унинг турлари. Ахборот тизимларининг предмети. Ахборот тизимиning таркибий қисмлари. Маълумотларни қайта ишловчи ахборот технологиялари.

2 - мавзу: Интернет тармоғининг асосий хизматлари.

Тармоқ турлари. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси lex.uz, Ягона интерактив давлат хизматлари портали tu.gov.uz, bimm.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, тингловчиларнинг электрон мулоқот муҳитида жамоа бўлиб ишлаш шакллари.

3 - мавзу: Ҳуқуқий соҳа ахборот тизимларининг турлари ва структураси.

Ҳуқуқий соҳа ахборот тизимларининг турлари ва тузилмаси. Ҳуқуқшунос педагог фаолиятида ахборот тизимлари воситаларидан фойдаланиш. Ҳуқуқий соҳа ахборот қидирув тизимларини (Yurida, Норма, LexUz) ўқув жараёнга тадбиқ қилиш.

4 - мавзу: Ҳуқуқий ахборот алмашувини автоматлаштурувчи тизимлар.

Ҳуқуқшуноснинг автоматлаштирилган иш фаолияти. “Germes” ахборот алмашувини автоматлаштирувчи тизим имкониятлари. “Germes” ахборот алмашувини автоматлаштирувчи тизимини ишлаш принципи. Е-ХАТ химояланган электрон почта орқали ахборот алмашув усуллари.

5 - мавзу: Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Муаллифлик дастурларидан фойдаланган ҳолда мультимедиали электрон ўқув ресурсларини яратиш (Масалан: IspringFree дастури мисолида). Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Таълимий интернет ресурслари, сервислари ва улардан ўқув жараёнда фойдаланиш. Google асбоб ускуналари ва сервисларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойиҳалаш. Веб муҳитида Google Диск, Google Хужжатлар (матн, электрон жадвал, тақдимотлар, график муҳарирлари) Вазиятли таълим. Вазиятли ўқитиш деб номланувчи таълим назарияси моҳияти шундаки, биз ўрганадиган

нарсаларнинг аксари қисми таълим жараёни олиб борилаётган муайян бир вазиятга (атроф-муҳит, контекст) боғлиқ бўлади. Вазиятли таълимда асосий диққат ҳақиқий, мураккаб муаммоларни ҳал этиш йўли билан ўқитиш ва фаолияти давомида ўргатишга қаратилади.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Амалий машғулотлара тингловчилар назарий материалларни мустаҳкамлайди. Замонавий Ҳуқуқий ахборот тизимлари асослари бўйича малака ва кўнималарини оширишда назарий билимлардан фойдаланган ҳолда амалий топшириқларни бажаради. Топшириқларни бажаришда тарқама материаллардан, мавзуга оид мақола, тезислардан ва хорижий адабиётлардан фойдаланилади.

1-амалий машғулот: Интернет тармоғининг асосий хизматлари.

Тармоқ турлари. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси ягона интерактив давлат хизматлари портали tu.gov.uz, bimm.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, тингловчиларнинг электрон мулоқот муҳитида жамоа бўлиб ишлаш шакллари.

2-амалий машғулот: Ҳуқуқий соҳа ахборот тизимларининг турлари ва структураси.

Ҳуқуқий соҳа ахборот тизимларининг турлари ва тузилмаси. Ҳуқуқшунос педагог фаолиятида ахборот тизимлари воситаларидан фойдаланиш. Ҳуқуқий соҳа ахборот қидирув тизимларини (Yurida, Норма, LexUz) ўқув жараёнга тадбиқ қилиш. Ҳуқуқшуноснинг автоматлаштирилган иш фаолияти. “Germes” ахборот алмашувини автоматлаштирувчи тизим имкониятлари. “Germes” ахборот алмашувини автоматлаштирувчи тизимини ишлаш принципи. Е-ХАТ химояланган электрон почта орқали ахборот алмашув усуллари. Ҳуқуқий норматив хужжатларни реквизитлар бўйича қидириш. Қидиришнинг бир неча усулларини қўллаш. Ҳуқуқий ахборот тизимларини таққослаш. Ҳуқуқий ахборот тизимларидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда берилган кейсларни ечимини топиш.

3-амалий машғулот: Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги

Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Муаллифлик дастурларидан фойдаланган ҳолда мультимедиали электрон ўқув ресурсларини яратиш (IspringFree дастури мисолида). Электрон ўқув материаллари ва уларнинг турлари. Таълимий интернет ресурслари, сервислари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Google асбоб ускуналари ва сервисларидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойиҳалаш. Веб муҳитида Google Диск, Google Хужжатлар (матн,

электрон жадвал, тақдимотлар, график мухарирлари) Маъruzada берилган материаллардан фойдаланилган ҳолда IspringFree дастур имкониятларидан фойдаланиб 3D китоб ва вақт шкаалалари яратиш. Google Дискда Веб мұхитини яратиш.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Қуйидаги шаклларда таълим бериш күзда тутилған:

- бинар маъруза, бит дарс, дебатлар, вебинар;
- деворсиз мактаб;
- On-line маъруза;
- тренинг, видеотренинг
- мини-маърузалар ва сұхбатлар;
- ақлий хужм ва бумеранг, танишув усулларида;
- дискуссия и диспутлар (даллил ва аргентлар асосида фикрини асослашга ўрганади, тинглаш ва эшитишга мослашади);
- кичик гурухларда идрок харитасида ишлаш (хамкорликда ишлашга ўрганилади).

БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

Мазкур модул юзасидан тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари назорати қуйидаги мезонлар орқали баҳоланади:

№	Баҳолаш турлари	Максимал балл	Баллар
1	Мантиқий саволлар	2,5	1 балл
2	Казус (кейс таҳлили)		1,5 балл

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР

Ўқув жараёнини ташкил этишнинг самарали шакллари

- бинар маъруза;
- бит дарс;
- дебатлар;
- вебинар;
- деворсиз мактаб;
- On-line маъруза;
- тренинг, видеотренинг ва бошқ.

Дарс ўтиш турлари:

Дарс – 1) узлуксиз таълим муассасаларида амалга ошириладиган таълимнинг асосий шакли;

2) ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли, мантиқий тугалланган, яхлит ўқув-тарбиявий жараённинг аниқ вақт билан чекланган қисми.

Бинар дарс – таълим олувчилар билимдонликни таркиб топтириш имконини берадиган мужассамлашган дарс.

Бит-дарс – таркибида сухбат, ўйин ва ижодий машқларни қамраб олувчи мусобақа характеридаги қизиқарли дарс.

«Деворсиз мактаб» – театр, музей, суд зали, кўргазма, лаборатория ҳамда ишлаб чиқариш устахоналарида ташкил этиладиган ўқув жараёни.

Дебатлар – икки қарама-қарши, ўзаро мусобақалашаётган команда (гурух) иштирокчиларнинг олдиндан тайёрланган чиқишлирига асосланган расмий муҳокама.


Де брифинг – амалга оширилган фаолиятни ўрганиш ва фикрлаш даври.

Инновацион үқитиши методлари



Идрок харитаси- методи

Методда очиб бермоқчи бўлган мавзуни марказга жойлаштирилади. Мавзу ёки муаммони ечиш учун бажармоқчи бўлган бўлимлар шоҳча шаклида чиқарилади. Хар бир шоҳчаларни яна очиш мумкин бўлган бўлаклари давом этади. Бу шоҳчаларни кўплиги ва чуқурлиги бажарувчини шу мавзу ёки муаммо ҳақида кўп маълумотга эканлиги яни яхши ўзлаштирганлигини англатади.



Кейс-стади методи

Кейс-стади инглизча case – аниқ вазият, study – таълим сўзларининг бирикувидан ҳосил қилинган бўлиб, аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил этиш ва ижтимоий аҳамиятга эга натижаларга эришишга асосланган таълим методидир. Мазкур метод муаммоли таълим методидан фарқли равишда реал вазиятларни ўрганиш асосида аниқ қарорлар қабул қилишга асосланади. Агар у ўқув жараёнида маълум бир мақсадга эришиш йўли сифатида қўлланилса, метод характеристига эга бўлади, бирор бир жараённи тадқиқ этишда босқичма-босқич, маълум бир алгоритм асосида амалга оширилса, технологик жиҳатни ўзида акс эттиради.

Кейс турлари

Кейс – бу яхлит ахборотлар мажмуи. Қоидага кўра, кейс уч қисмдан иборат бўлади: 1) кейсни таҳлил этиш учун зарур ёрдамчи ахборотлар; 2) аниқ вазият баёни; 3) кейс топшириғи.



Босма ҳолатдаги кейс (уни янада кўргазмали бўлишини таъминлайдиган график, жадвал, диаграмма, иллюстрацияларни ҳам ўз ичига олади).



Мультимедиа-кейс (сўнгги вақтларда кенг қўллашни талаб этаётга



Видео кейс (фильм, аудио ва видео материаллардан иборат бўлиши мумкин).

КЕЙС-ТОПШИРИГИНИ БАЖАРИШ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН СТРАТЕГИЯЛАР

**Инцидент
(ахборотни
қидириш)**

**Маълумотларни
таҳлил этиш
(ишбоп
корреспонден-
ция)**

**Ўйин
тарзида
лойиҳалаш**

**Вазиятли-
ролли ўйин**

Мунозара

**SWOT
таҳлил**

Кейс-методини амалга ошириш босқичлари:



Кейс ечими учун таклиф этилган ғоялар тақдимоти учун чизма намунаси

Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)	Ечим	Натижа

Кейс: Ёш мутахассис биринчи суд ишини кўриб чиқаётганида жуда мураккаб ишни қарорини қабул қилишига тўғри келди. Бунда Англия судларини қоидаларига риоя қилган қолда олдинги шунга ўхшаш ишларга малакали судялар қандай қарорлар чиқарганини кўриши ва улардан хulosа қилиши учун қандай йўл тутиши керак. Архивлардан ишларни кўтариш ва запрос бериши учун анча вақт кетади. Қарорни эртага чиқариши керак. Муаммони ечимини ва натижаларини беринг.

Синквейн методи

Синквейн усули – ахборотни лўнда, қисқа баён қилиш, воқеа, ҳодиса, жараённи бир неча сўзлар билан ифодалашдир. Синквейн франтсузча беш деган таржимани беради. Бу муаммоли масала ёки саволни бешта босқич орқали ечимини топишни англатади.

1 босқич (от–ким? ёки нима? саволларга жавоб беради) – муаммоли саволда кўзда тутилган қурилма, тушунча ёки предметни номини аниқлаш керак бўлади.

2 босқич (сифат–кандай? Қанақа?) – биринчи босқичда аниқланган тушунча ёки предметни иккита сифат белгисини бериш керак.

3 босқич (феъл–нима қилди? Нима қилади? Нима қиляпди?) – предметни уча феъл билан ифодалаш лозим бўлади.

4 босқич – предметни тўртта сўз билан вазифасини ифодоловчи жумла тузилади.

5 босқич – тушунча ёки предметни синоними берилади.

Муаммоли савол: Комптернинг қандай қурилмаси ёрдамида интернетга уланиш мумкин? Синквейн усулида таҳлил қилинг.

ot	_____
ikkita sifat	_____
uchta fe'l	_____
to'rtta so'zdan iborat jumla	_____
otning sinonimi	_____

Синквейн усулини структураси

1 босқич – компьютернинг **модем** қурилмаси ёрдамида интернетга уланиш мумкин.

2 босқич – ички модем, ташқи модем.

3 босқич – модулятсия қилади, демодулятсия қилади, ахборот узатади.

4 босқич – Интернет орқали ахборот алмашинилади.

5 босқич – коммуникатсия.

Тингловчи битта оддий саволга модем деб жавоб бериш билан кифояланмасдан, балки модем турлари вазифаси имкониятлари ва уни яна қандай номлаш мумкинлигини таҳлил қилишга ундајапмиз. Бундан ташқари гап тузиш қоидасини яъни сўз туркумларини ҳам билиши зарур бўлмоқда. Бу усул ёрдамида тингловчи масалани ёки саволни таҳлил қилишга ўрганади.

Эйлер-Венн диаграмма- методи

Эйлер-Венн диаграммаси – ушбу усул ёрдамида фанлараро боғлиқликларни акс эттириш мумкин. Венн диаграммаси иккита доирадан ёки ундан ортиқ доиралардан иборат бўлади. Ҳар бир доира алоҳида битта фанни акс эттираса, уларнинг кесишган жойи иккала фанни бирлаштирадиган қисмини англатади.

Тингловчилар учун иккала доира хусусиятларини санаб бериш ва иккаласини кесишган қисмини изоҳлаб таҳлил қилиши лозим бўлади. Керак бўлса, исботлаб бериши лозим бўлади.



Эйлер-Венн диаграммаси

Худди шу каби учталик доирадан иборат Венн диаграммасини тўлдириш мумкин. Кесишган қисмини батафсил изоҳлаш мумкин. Ушбу усул ҳам муаммони таҳлил қилишга ўргатади.

Кластер - методи


Кластер усули – *Фикрларни тармоқлаши* бу педагогик стратегия бўлиб, у тингловчиларнинг бирон бир мавзуни чукур ўрганишларига ёрдам бериб, мавзуга тааллукли тушунча ёки аниқ фикрни эркин ва очиқ равишда кетма-кетлик билан узвий боғлаган ҳолда тармоклашларига ўргатади.

Фикрларни тармоқлаш қуйидагича ташқил этилади:

- 1. Mavzuni aniqlash**
- 2. Mavzu bo'yicha xayolga kelgan har qanday fikr ketma-ket yoziladi**
- 3. Fikrlar tugamaguncha yozishni davom ettirish kerak**
- 4. Fikrlarning ketma-ketligi va o'zaro bog'liqligini ko'paytirishga harakat qilish zarur**

Кластер усулини структураси

Куйидаги кўринишдаги кластерни яратиш мумкин. Бу босқич ҳоҳлаганча давом эттириш мумкин. Тингловчи қанчалик кластерни шоҳларини кўп ва тўғри тўлдирса кўп билимга эгалигидан далолат беради. Масалан: Тармоқ тузилишини кластерда структуралаб беринг. Куйида иккита босқич кўрсатилган, бу давом этиб бир нечта босқич бўлиши мумкин.



Кластерни аксинда күллаш ҳам мүмкін мавзуни тармоқланган структурасини бериб, тармоқлар түғри тақсимланғанли ёки хато бўлса, қаерда хатоси борлигини аниқлаш вазифасини бериш билан тингловчини билимини аниқлаш мүмкін.

«Веер» методи

«Веер» усули мавзунинг айрим тармоқларини мухокама қилувчи кичик гурӯхлар, ҳар бир қатнашувчи, гурӯхнинг фаол ишлашига қаратилган.

Асосий тушунчалар:

Аспект (нұқтаи назар) билан предмет, ходиса, тушунча текширилади.

Афзаллик - бирор нарса билан қиёсланғандаги устунлик, имтиёз.

Фазилат - ижобий сифат.

Нұқсон - номукаммаллик, қоидаларга, мезонларга номувофиқлик.

Хулоса – муайян бир фикрга, мантикий қоидалар бўйича далилдан натижага келиш.



2.5-расм Веер усулинин структураси

Веер (елпифич) усули уни тузилишидан келиб чиққан. Энг юқори қисми умумийлаштирилган бу қисми асосий масалани ташкил қиласди. Иккинчи қисми узун узун бўлаклардан ташкил топган. Бу бўлаклар қўйилган масалани афзаликлари, фазилатлари ва нұқсонларини ташкил қиласди. Энг пастки қисми битта тутмачага бириктирилган бу масалани хулоса қисмини билдиради. Шу структурага барча муаммони қўйиб таҳлил қилиб хулоса чиқариш Веер усулинин англатади. Юқорида санаб ўтилган бўлакларига фикрлар ўзилиб “Веер” тўлдирилади.

“Беш минутлик эссе”. Ёзма топшириқнинг ушбу тури тингловчиларнинг мавзуга доир ўз мустақил фикрларини ифодалай олишга ёрдам бериш ва ўқитувчига ўз тингловчилари ўқув материали билан танишганда қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор беришлари хусусида фикрлаш имконини беради. Аниқ қилиб айтганда, тингловчилардан қуидаги икки топшириқни бажариш: мазкур мавзу бўйича улар нималарни ўргангандикларини мустақил баён этиш ва улар барибир жавобини ололмаган битта савол беришни сўралади.

«Ақлий ҳужум» методи

Ақлий ҳужум – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласи) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.

Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустақил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.

Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум – иложи борича кўпроқ фикрлар ийғилишини таъминлайди. Бутун ўқув грухи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

Оммавий ақлий ҳужум – микро грухларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.

Ҳар бир грух ичида умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

1-мавзу: Ахборот. Ахборот тизимлари ва уларнинг имкониятлари.

Режа:

- 1.1. Ахборот. Ахборотлаштириш, ахборот тизимлари.
- 1.2. Ахборот тизимларининг предмети.
- 1.3. Ахборот тизимининг таркибий қисмлари.
- 1.4. Маълумотларни қайта ишловчи ахборот технологиялари.

Таянч иборалар: Ахборот, ахборотни ўлчов бирликлари, жамиятни ахборотлаштириши, информатика, автоматика, маълумот, хабар, берилганлар, ахборот жараёнлари, ахборотнинг аҳамияти, синтактик адекватлилик, симантик адекватлилик, прагматик адекватлилик, ахборот тизими, тизим, жараён, компьютер ахборот технологияси.

1.1. Ахборот. Ахборотлаштириш, ахборот тизимлари.

Ахборот - бизни ўраб турган оламнинг асосий моҳиятларидан биридир.

Ахборот - бирор бир киши томонидан иккинчи бир кишига оғзаки, ёзма ёки бошқа бир услуг билан бериладиган - бошланғич хабарлардир.



Ахборот - материянинг асосий универсиал хоссаларидан биридир.

Ахборот деганда предметлар ва жараёнларнинг ўзини эмас, балки уларни сонлар, формуулар, чизмалар, белгилар, образлар кўринишида ифодалаш ёки акслантиришни ҳам тушунилади.

Хабар - ахборотни тасвирлаш шакли бўлиб, у нутқ, матн, тасвир, график, жадвал, видеотасвир, товуш ва шу каби кўринишларда ифодаланилади.

Маълумот - информатиканинг таърифланмайдиган бошланғич тушунчаси ҳисобланади.

Ахборот - бу аниқ ва амалда ишлатиладиган хабардир.

Берилганлар эса хабарлар, кузатишлар натижаларини ўз ичига олади. Бирор зарурият бўйича имконият туғилганда, масалан, нарса тўғрисидаги билимни ошириш пайтида у ахборотга айланади.

Ахборот технологиялари деганда - ҳисоблаш техникасининг воситаларини татбиқ этиш асосида ахборотларга ишлов бериш, қидириш, сақлаш, жамлаш ва йиғиш усулларининг тизими тушунилади.

Ахборот пайдо бўлган лаҳзадан то натижа олингунча бажариладиган ўзаро боғлиқ амалларнинг тартибланган кетма - кетлигига технология жараёни дейилади.

Ахборот технологиялари деганда, ҳар - хил соҳалар фаолиятининг ахборотларини автоматлаштириш воситалари ва усуллари тўплами тушунилади.

Маълумот учун

Ахборот технологиялари иборасидаги “технология” сўзи лотинча “технос” -санъат, ҳунар, соҳа ва “логос” - фан деган маънони билдиради. Яъни технология сўзи - бирор вазифани бажаришда унинг турли хил усулларини кўринишини билдиради.

Ахборот технологиялари ахборотларни йиғиш, сақлаш, узатиш, қайта ишлаш усули ва воситалари мажмуудир.

Ахборот технологиялари - ахборотларни жамлаш, сақлаш, узатиш ва шу жараёнларни амалга оширувчи барча техник воситаларни ишлатишни ўргатувчи фан ҳисобланади.

Ахборот технологиялари - бу ахборотли маҳсулот ишлаб чиқишининг техник ва илмий усуллари тўплами ҳамда ҳисоблаш техникаси ва алоқа воситаларининг ҳамма турларини қўллаш хизматини амалга оширишdir.

Ахборот – информацион тизимлар (тирик организмлар, бошқариладиган машиналар ва бошк) қабул қила оладиган объектлар ҳақидаги хабар ва оламдаги ҳодисалар муҳити, уларнинг параметрлари, хоссалари ва ҳолатлариидир.

Ахборот тизимлари қўйидаги масалалар гурухини тадқиқ қилади ва ўрганади:

семантиклиқ, ахборотнинг моҳиятини аниқлаш усулларини, унинг ёзилиши тилларини ўрганувчи;

прагматиклик, ахборотларни кодлаш усулларини моҳияти ифодалаб берувчи;

синтаксислик, айрим илмий - фаолият соҳаларини формаллаштириши ва автоматизациялаш масалалари

Информатиканинг асосий йўналишлари:

хисоблаш тизимлари ва дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш;

ахборот назарияси, ахборотларни узатиш, қабул қилиш, қайта ишлаш ва сақлаш жараёнларини ўрганиш;

сунъий интеллект, бажарилиш вақтида инсон томондан интеллектуал ҳаракатларини талаб қилинадиган масалаларни эчиш усуллари;

тизимли таҳдил, у жавоб берадиган лойиҳалаштирилаётган тизимнинг таҳдилини амалга ошириш, талабларини аниқлаш;

машина графикаси, компьютер графикаси, анимация, мултимедиа муҳитини тузиш;

телекоммуникация, ахборот ресурслари ва исътемолчиларнинг ягона муҳитда бирлаштирувчи локал ва глобал компьютер тармоқлари.

Компьютерларда қўлланиш соҳасига кўра ахборот дейилгандা, қайта ишланаётган маълумотларни символли (ҳарф, рақам, кодлаштирилган график образлар ва товушлар) белгилашлар кетма-кетлиги тушунилади.

Ахборот тизимларининг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини, ахборот технологияларини инсон фаолиятининг турли соҳаларида қўлланилиш асосларини ўргатишдан иборатdir. Бунда асосий эътибор, ахборот тизимларини таълим жараёнидаги ўрни, ахборот, ахборот тушунчаси, ахборотлар билан ишлаш ва телекоммуникация соҳасида қўлланилишига қаратилгандир.

Тизим тушунчасига ахборот сўзини қўшсак у ҳолда тизимнинг яратилиш мақсади ва ишлаш принципи тушунилади. Ахборот тизими фойдаланувчиларга ицалган муҳитдаги ахборотларни сақлаш, қайта ишлаш, қидириш имконини яратади.


Ахборот тизими деб олдинга қўйилган мақсадги эришиш ахборотларни сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш методлари ва воситалари йиғиндисига айтилади.

Кутубхонани ақлий фаолият воситаси қаторига қўшиш мумкин¹. У муаммоларни ҳал этишда энг муҳим ягона жиҳатни енгиллаштиради – бошқа

¹ David Moursund. Introduction to Information and Communication Technology in Education. Teacher Education, University of Oregon Eugene, Oregon 2005. – 5 p.

инсонларнинг аввалги ишлари учун таянч бўлиб хизмат қиласди. Веб-тармоқ глобал кутубхона вазифасини бажаради, мазмун-моҳиятининг ҳажми ва чуқурлиги юзасидан у мунтазам равишда кенгайиб боради. Макон ва замонлараро коммуникация ўзга инсонларнинг ишига асосланган ишланмаларда муҳим таркибий қисм бўлиб хизмат қиласди. Шундай экан, Интернет (таркибида Веб сақлайдиган) таълим соҳасида барқарор ва ўсиб бораётган аҳамиятга эга бўлади².

Ахборот тизимининг асосий мақсади – ахборотни сақлаш ва узатишни ташкил этиш. Ахборот тизими ахборотга ишлов беришнинг “инсон – компьютер” тизимидан иборатdir. Ахборот тизимининг функцияларини унга йўналтирилган АТни билмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди. АТ ахборот тизими соҳасидан ташқарида ҳам мавжуд бўлиши мумкин.



Информатика соҳасининг асосий ресурси бу – ахборотdir.

Ахборот - оламдаги бутун борлиқ, ундаги рўй берадиган ходисалар ва жараёнлар хақидаги хабар ва ма’лумотлардир. Ахборот инсон нутқида, китобдаги матнларда, мусаввир тасвирида ва бошқаларда мавжуддир.

АКТ тизимлари ақлий вазифаларнинг янада кўпроғини бажармоқда ва/ёки бажаришга ёрдам бермоқда³.

² David Moursund. Introduction to Information and Communication Technology in Education. Teacher Education, University of Oregon Eugene, Oregon 2005. – 5 p.

³ David Moursund. Introduction to Information and Communication Technology in Education. Teacher Education, University of Oregon Eugene, Oregon 2005. – 6 p.

Ахборот тизими ахборотни алмашиш, Молиявий келишув ва Фикр қилишлардан ташкил топган.

Ахборот ва унинг турлари.

Ахборот турлари

1

Белгили – турли ишоравий белгилардан иборат ахборотлар.

2

Матили – харф, рақам ва белгилар тўпламидан таркиб топган ахборот.

3

График – тасвирлардан иборат бўлган тасаввур кўринишидаги ахборот.

Аудио, Видео кўринишидаги ахборот.

Ахборот манбалари ва исъемолчиларнинг ҳар хиллиги ахборот шаклининг турли кўринишда бўлишига олиб келади.

Компьютер тизими – маълумотларга ишлов бериш, киритиш ва чиқариш тизими ҳамда хотира тизими.

1.2. Ахборот тизимларининг предмети.

Ахборот тизими – компьютер, компьютер тармоқлари, фойдаланувчилар, ахборот ва дастурий таъминот.

Ахборот тизимининг асосий компонентларнинг вазифаси:

Фойдаланувчи интерфейси фойдаланувчи ёки менежер учун ахборот ёки буйруқ киритиб, тизимдан маълумот олиш учун хизмат қиласди. Эксперт тизим технологияси фойдаланувчи учун нафақат қарорлар, балки зарур бўладиган тушунтириш (инструкция) ахборотларини хам бериши мумкин.

Билимлар базаси эса муаммонинг турига қараб ҳар хил кўринишдаги ечимлар ва мана шу ечимларнинг мантиқий асосларидан ташкил топган маълумотлар билан тўлдирилган бўлади.



АКТнинг энг кучли томонларидан бири – маълумотларни сақлаш ва

кўчиришни бирлаштириши, шунингдек, тўпланган билимларнинг муайян турига асослана оладиган вазифаларни автоматлаштиришидан иборат. АКТ тизимини катта ҳажмдаги материалларни “эслаб қолиш” учун тезкор узатиш ҳамда ёзиб олинган материални узоқ вақт давомида сақлаб туриши бўйича инсонларга нисбатан анча катта лаёқатга эгадир⁴.

Куйида инсон хотирасининг уч тури келтирилади:

Сенсор хотира сезги аъзолари томонидан олинган маълумотларни кўп бўлмаган вақт давомида сақлаб қолади. Мисол учун, кўриш (кўз) сенсор хотираси тасвирларни бир сониядан ҳам кам муддатгача, эшитиш хотираси эса товушли маълумотларни тўрт сониягача сақлаб туради.

Ишчи хотира (қисқа муддатли хотира) ахборотларнинг унчалар катта бўлмаган сегментларини сақлаши ва қайта ишлаши мумкин. У бу сегментларни 20 сониягача сақлайди.

Узоқ муддатли хотира эса кенг имконияларга эга ва у маълумотларни узоқ вақтлар сақлайди. Қисқа муддатли («ишичи») хотирани ўрганиш кўпчилик инсонларда ушбу хотира ҳажми ахборотларнинг 7 ± 2 сегментини ташкил этишини кўрсатди. Бу эса шуни англатадики, оддий одам етти сондан иборат бўлган телефон рақамини ўқиши ёки эшитиш ва уни телефонда териш учун етарли муддатгача хотирада сақлаб қолиш қобилиятига эгадир. Узоқ муддатли хотиранинг имкониятлари жуда кенг, бироқ у компьютер хотираси каби ишламайди. Маълумотларни компьютер хотирасига киритиш жуда тез амалга оширилади (масалан, бутун бир китоб ҳажмига тенг маълумотлар бир сонияда киритилади) ва бу маълумотлар жуда узоқ муддат давомида сақланиши мумкин. Инсон мияси жуда кўп шеър ва матнларни сақлаб қолади, бироқ кўпчилик учун у давомли ва жуда секин амалга ошадиган жараён. Оғир ва узлуксиз ҳаракатлар сабабли оддий инсон бир нечта китобларнинг мазмунини эслаб қолиши мумкин. Оддий одамларда бу унчалар ижобий натижা бермайди. Ҳозирги вақтда, веб-ресурслар миллионлаб китобларга тенг маълумотларни ўзиди сақлайди⁵.

Мия/ақл учун тўлдирувчи

Моҳиятига кўра, ўқиши ва ёзувлар шахсий фойдаланиш учун ва бошқалар билан ҳамкорликда фойдаланиш учун қисқа муддатли ва узоқ муддатли хотирага тўлдирувчи бўлиб хизмат қиласиди. Мазкур далил ва маълумотлар катта аниқликда сақланиши ва тикланиши мумкин.

Энг кучли хотира ҳам заиф сиёҳ каби катта кучга эга эмас. (Конфуций, 551-479 й. э.а.)⁶

Қоғоздаги ёзувлар далил ва маълумотларнинг пассив сақланишини таъминлайди. Бундай далил ва маълумотлардан «фойдаланиш» инсон мияси/ақл-идроқи томонидан амалга оширилади.

Компьютерлар далил ва маълумотларни сақлаш ва чиқариб олиш учун янги

⁴ David Moursund. Introduction to Information and Communication Technology in Education. Teacher Education, University of Oregon Eugene, Oregon 2005. – 15 p.

⁵ David Moursund. Introduction to Information and Communication Technology in Education. Teacher Education, University of Oregon Eugene, Oregon 2005. – 17 p.

⁶ David Moursund. Introduction to Information and Communication Technology in Education. Teacher Education, University of Oregon Eugene, Oregon 2005. – 18 p.

кўламларни тақдим этади. Компьютерлар далил ва маълумотларни қайта ишлайди (улар билан турли операциялар бажарилади). Шундай экан, материалларни қоғозда ёки бошқа босма ташувчида статик сақлаб, узатишдан кўра, компьютерлардан мия/ақл учун анча қудратли тўлдирувчи сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

АКТ инсон мияси/ақлининг тўлдирувчиси турини таъминлайди. Бу турнинг кучи, ҳажми ва аҳамияти жадал ўсиб бормоқда. Айни вақтда, айнан мана шу таълимдаги энг муҳим ғоялардан биридир⁷.

1.3. Ахборот тизимининг таркибий қисмлари.


Интерпретатор билимлар базасидаги маълумотларни (қоидалар, фикрларни) кетма-кет кўриб чиқиши ва таҳлил қилиши учун хизмат қиласи. Агар қоида ёки фикрлардаги шартлар бажаришга ёки ма’лум бир қарорга эга бўлса, у холда фойдаланувчига муаммо ечимининг варианти берилади.

Баъзи тизимларда интерпретаторлар ишини энгиллаштириш учун қўшимча блоклар, жумладан: маълумотлар базаси, хисоб-китоб блоки, маълумотларни киритиш ва текшириш блоклари ишлатилиши мумкин.

Тизимни ташкил этиш модули қоида ва фикрлар иерархиясини ташкил этиш учун хизмат қиласи. Қоида ва фикрлар иерархиясини ташкил этишда 2 хил усулдан фойдаланилади:

1. Алгоритмик дастурлаш тилларидан.
2. Эксперт тизимлар учун яратилган маҳсус дастурлардан.

Иккинчи усулдаги дастурлар ўзининг маҳсус базасига эга бўлиб, қоидалар ва қўшимча маълумотлар ёзиши билан тўлдириб борилади.



Ахборот тизимларининг элементлари⁸.

Ахборот тизими ва технологиялари

- Компьютер тизими

⁷ David Moursund. Introduction to Information and Communication Technology in Education. Teacher Education, University of Oregon Eugene, Oregon 2005. – 72 p.

⁸ Vermaat, Sebok, Freund, Campbell, Frydenberg. Discovering Computers. – Boston: “Cengage Learning” 2016. – p. 27

- Телекоммуникация тизими
- Ахборот тизими
- Корхона тизими.

Ахборот тизимлари - ҳисоблаш техникасининг воситаларини тадбиқ этиш асосида ахборотларга ишлов бериш, қидириш, сақлаш, жамлаш ва йиғиш усулларининг маълум бир жараённи бажариш учун мўлжалланган тизими тушунилади.

Кимматли ахборотлар ишончли, ташкиллаштирилган, замонавий, очик, яхлит ва ишлаб чиқиш нафли бўлиши керак.

Компьютер қурилмасидан ахборотларни олишда қўйидаги бешта элементларни талаб қиласди:

- техник таъминот;
- дастурий таъминот;
- маълумотлар;
- фойдаланувчилик;
- Амаллар

Компьютер қурилмасидан ахборотларни олишда қўйидаги бешта элементларни талаб қиласди:

техник таъминот;

дастурий таъминот;

маълумотлар;

фойдаланувчилик;


амаллар.

Ушбу элементлар (техник таъминот, дастурий таъминот, маълумотлар, фойдаланувчилик ва жараёнлар) ахборот тизимини ташкил қиласди. Ташкилотларнинг ахборот тизимларини элементларини ўзаро боғлиқлиги кўрсатилган.(1-расм)

Ахборот тизимларининг техник таъминот катта маълумотларни қайта ишлайдиган даражада ишончли ва етарли имкониятли бўлиши керак.

Дастурий таъминот етарли даражада аниқ ишлаб чиқилган ва тестдан ўтказилган бўлиши керак. Ахборот тизимига киритилаётган маълумотлар аниқ бўлиши керак. Ташкилот ва корхоналардаги ахборот технологиялари бўлимлари замонавий компьютер қурилмалари билан таъминланган бўлиши ва ходимлари юқори квалификацияли бўлиши керак. Чунки улар ташкилот ва корхоналарни барча фойдаланувчиларни ахборот тизимидан маълумотлар олиш ва киритишга тўғри фойдаланишга ўргатадилар. Компьютернинг маълум бир соҳага тегишли амалий дастурлари онсон қўлланиладиган ва ишчи

компьютерлар адресланган ва хужжат алмашув шароитлари яратилган бўлиши керак.



1-расм *Ташкилотларнинг ахборот тизимларини элементларини ўзаро боғлиқлиги.*

1-қадам АТ-ходимлари клиентлардан олинган маълумотларни текшириш учун техник жараёнларни ишлаб чиқиши;

2-қадам Олинган маълумотларни дастурий таъминот ёрдамида компьютерга киритиш ва текшириш;

4-қадам Барча маълумотлар локал тармоқдаги принтер орқали босмага чиқарилади


3-қадам Компьютер (қурилма) керакли хисоб китобларни бажаради ва қаттиқ диск ахборот ташувчиларга сақлайди;

Веб-тармоқ глобал кутубхона вазифасини бажаради, мазмун-моҳиятининг ҳажми ва чуқурлиги юзасидан у муентазам равишда кенгайиб боради. Макон ва

замонлараро коммуникация ўзга инсонларнинг ишига асосланган ишланмаларда муҳим таркибий қисм бўлиб хизмат қиласи. Шундай экан, Интернет (таркибида Веб сақлайдиган) таълим соҳасида барқарор ва ўсиб бораётган аҳамиятга эга бўлади⁹.

1.4. Маълумотларни қайта ишловчи ахборот технологиялари.

Корхоналарнинг элементларини бир бири билан боғлиқлигини ҳам ахборот тизими сифатида кўриш мумкин¹⁰.



2-расм Барча маълумотлар алмашивининг процедураси босқичлари.

Барча ташкилотлар ўзаро бир бирига боғланган тизимларни тузиши мумкин. Аммо барчасида техник таъминот, дастурний таъминот уларни бошқарувчи ва маълумотлар бўлиши керак.

Ахборотнинг умумий асослари ва уларнинг таҳлили

Кўпчилик тайёрлов дастурлари баҳолаш, аниқлаш ва уларга боғлиқ мавзуларгага алоҳида эътибор қаратишади. Манбаалар қизиқувчилар учун кўплаб тайёрлов ва малака ўқитувчиларининг мақолаларга иқтибос келтиради. Ахборотнинг умумий асослари ва уларнинг таҳлили ушбу мавзунинг бир қисми бўлиб, баҳолашнинг маълум бир қисмини ташкил этувчи калит ғояларни умумлаштиради.

⁹ David Moursund. Introduction to Information and Communication Technology in Education. Teacher Education, University of Oregon Eugene, Oregon 2005. – 5 p.

¹⁰ Vermaat, Sebok, Freund, Campbell, Frydenberg. Discovering Computers. – Boston: “Cengage Learning” 2016. – p. 726

Назорат саволлари

1. Ахборот ва ахборот тизимлари қайси соҳаларда қўлланилади ?
2. «Ахборот» ва «Маълумот» терминларини бир биридан фарқланг ва соҳа мутахассислигингизда мисоллар келтириңг.
3. Кандай усуллар билан ахборот олиш мумкин?
4. Ахборот тизимлари ривожланишда кандай роль ўйнамоқда?
5. Ахборот тизимларининг турларини санаб мисоллар келтириңг.
6. Хорижий ахборот тизимларини турларини изоҳланг?
7. Ахборот тизимларини структураси нимага асосланган?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. David Moursund Introduction to Information and Communication Technology in Education., Teacher Education, University of Oregon Eugene, Oregon 97405 moursund@oregon.uoregon.edu
2. Gary B. Shelly Misty E. Vermaat Contributing Authors Jeffrey J. Quasney, Susan L. Sebok, Steven M. Freund Discovering Computers 2016: Living in a Digital World, Complete. Boston, MA 02210 USA.
3. С.С.Қосимов Ахборот технологиялари. Тошкент., 2006 йил. ТАТУ.
4. Гуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари – Т.: “Шарқ”, 2000 й.
5. Vermaat, Sebok, Freund, Campbell, Frydenberg. Discovering Computers. – Boston: “Cengage Learning” 2016. – p. 726

2- мавзу: Интернет тармоғининг асосий хизматлари.

Режа:

- 2.1. Интернет түғрисида тушунча.
- 2.2. Интернетнинг яратилиш тарихи ва ривожланиши.
- 2.3. Интернет – клиент сервер архитектураси.
- 2.4. Тармоқларда ишлатиладиган асосий қурилмалар.

Таянч иборалар: *Интернет, Интранет, Локал тармоқ, Глобал тармоқ, Чат, Форум, Портал, онлайн, сервер, провайдер, онлайн мулокот, сигналлар, клиент, протокол, манзил, URL, Proxy, архитектура*

2.1. Интернет түғрисида тушунча.

Интернет (Internet) - бу бутун жағон компьютер тармоқлари мажмуудир, яғни ягона стандарт асосида фаолият күрсатувчи жағон глобал компьютер тармоғидир.

Интернет тушунчаси. Интернет бу ягона стандарт асосида фаолият күрсатувчи жағон глобал компьютер тармоғидир. Унинг номи икки хил талқин қилинади, яғни “International Network” – халқаро тармоқ ва “Interconnected networks” «тармоқлараро» деган маънони англатади. У маҳаллий (локал) компьютер тармоқларни бирлаштирувчи ахборот тизими бўлиб, ўзининг алоҳида ахборот майдонига эга бўлган виртуал тўпламдан ташкил топади.

Интернет (internet) - минглаб локал ва минтақавий компьютер тармоқларни бирлаштирувчи ахборот тизими ҳисобланади.

WWW – World Wide Web – бутун дунё ўргамчак тўри ҳисобланиб, Интернет ресурсларини ташкил этиш ва ундан фойдаланишни таъминлаб беради.

Глобал тармоқ тушунчаси. Интернет тармоғининг асосий ячейкалари (қисмлари) бу шахсий компьютерлар ва уларни ўзаро боғловчи локал тармоқлардир. Интернет тармоғи – бу глобал тармоқ вакили ҳисобланади.



Интернет структураси¹¹



Расм 1. Интернет – дунё бўйлаб миллионлаб компьютер ва қурилмалар уланган катта компьютер тармоғи.

Глобал тармоқ тушунчаси. Интернет тармоғининг асосий ячейкалари (қисмлари) бу шахсий компьютерлар ва уларни ўзаро боғловчи локал тармоқлардир.

Интернетнинг асосий тушунчалари:

- **Интернет** – International network - халқаро тармоқ маъносини англатади
- **Веб сайт** – бирор бир соҳага, фаолиятга, воқеа ва ходисага бағишланган маълумотларни ўзида жамлаган Интернет саҳифалар мажмуи.
- **Интернет провайдер** – Интернет тармоғи хизматларидан фойдаланишни таъминлаб берувчи юридик шахс.
- **Электрон почта** – Интернет тармоғи орқали тезкор маълумотлар ва хабарлар алмашиш тизими
- **Интернет манзил (URL)** – Интернет тармоғида жойлаштирилган ахборот ресурсларининг мурожаат манзиллари.
- **Proxy** – локал тармоқка уланган компьютерларни битта алоқа канали орқали Интернет хизматидан фойдаланишни ташкил этиш хизмати

¹¹ Vermaat, Sebok, Freund, Campbell, Frydenberg. Discovering Computers. – Boston: “Cengage Learning” 2016. – p. 20

- **Веб сервер** – веб сақиғаларни жойлаштириш, бошқариш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш ҳамда фойдаланувчилар сўровларига ишлов бериш хизмати.

2.2. Интернетнинг яратилиш тарихи ва ривожланиши.

1960-йилларнинг бошларида компьютерларни тармоқقا улаш ғоялари пайдо бўлади ва 1965 йилнинг бошларида Лоуренс Робертс ва Томас Мервилл Калифорния ва Масачусетс штатларида жойлашган икки компьютерни бирбирига боғлаган.

Интернетнинг кенг тарқалиши TCP/IP протоколларига кучли қизиқишни келтириб чиқарди, натижада протоколни тушуниб, ҳаммасидан олдин, худди шу протоколнинг локал ҳисоблаш тармоқлари (LAN - Local Area Network) уларни Интернетга уланиши ҳатто ўйланмаган пайтда, қуриш учун ишлатиб, унга қатор бошқа иловалар яратган мутахасислар ва компаниялар пайдо бўлди. Бундан ташқари TCP/IP протоколи интернет-технологиларини, шу қаторда WWW (World Wide Web) дунё тўри ҳам ички корпоратив ахборотнинг эфектив алмашинувини йўлга қўйиш учун фойдаланилган корпоратив тармоқларни яратишида ишлатила бошланди. Бу корпоратив тармоқлар "инTRANET" номини олди ва улар Интернетга улана олиши ёки уланмаслиги мумкин.





Figure 14-28b (a SAN provides centralized storage for servers and networks)



1990 йилдан бошлаб Интернет маълум даражада ўзи ривожланувчи обьектга айланди. Мухандисларнинг айтишича, унда мусбат тескари алоқа харакат қиласи, яъни қанча қўп заҳиралардан (ахборот ва жисмоний)

фойдаланиш имкони бўлса, шунча кўп одамлар ва компаниялар шу заҳираларга кириш имкониятини қўлга киритишга интилади.

Дастлаб “ARPANET” тармоғи 4 та штат университетларида жойлашган компьютерлардан иборат эди. Боғланиш телефон тармоғи орқали амалга оширилди ва дунё тарихида биринчи компьютер тармоғи бўлди. Бу технология билан АҚШ Мудофа Вазирлигининг “DARPA” агентлиги қизиқиб, уларга харбий қўшинларни бир тармоққа бирлаштириш ғояси мақул бўлиб қолди. “Darpa” агентлиги мутахассислари (10 киши) бу ғоя бўйича иш олиб бюоришид ва 1969-йили “ARPANET” тармоғини яратишид¹².

Internet «совуқ уруш » махсузи ҳисобланади. Унинг яратилиши ядро зарбаларидан қисман заарланганда хам ишлай олишга мўжалланган тажрибавий алоқа системаси сифатида XX асрнинг 70-йиллари бошларида АҚШ Мудофа вазирлиги томонидан ишлаб чикарилган бўлиб, ARPANet алоқа тармоғи асос бўлган.

ARPA net яратилгач тахминан 10 йиллардан кейин локал (муайян бир жой) ҳисоблаш тармоғи (LAN) пайдо бўлади. Шу билан бирга UNIX операцион тизимли станциялар - компьютерлар дунё юзини кўради. Бу операцион тизим тармоқда Интернет (IP) протоколи билан bemalol ишлай олади. Жиддий янги масалалар ва уларнинг янгича ечилиш усуслари пайдо бўлиши туфайли янги зарурият пайдо бўлади яъни ташкилотларда ўзларининг локал тармоқлари билан APRA net га уланиш хохиши пайдо бўлди¹³.

80-чи йиллар охирида миллий илмий фонд (National Science Foundation - NSF) 5 та суперкомпьютер марказ (NSFNET) ташкил этди. Алоқа нархининг жуда баландлиги муаммо ҳисобланар эди. Шунда VSF ARPA net нинг IP технологиясига асосланган ўзининг хусусий тармоғини яратди. Марказлар узатиш қобилияти 56 kb/c (7 kb/c) бўлган махсус телефон линиялари билан уланади¹⁴. Лекин барча тадқиқот ташкилотларини марказ билан тўғридан-тўғри улаш имконияти йўқ эди. Бу муаммони хал қилиш учун регионал белгилари бўйича тармоқлар ташкил этиш керак эди. Мамлакатнинг ҳар бир бурчагидаги хохловчи корхоналар ён қўшнилари билан бирлашишлари оқибатида суперкомпьютер маркази хосил бўлади. Шу усулда ташкил бўлган барча марказлар ўзаро уланиши мумкин.

1987 йили жисмонан эскирган тармоқ ўзидан тахминан 20 марта тез ишлайдиган телефон линиялари билан алмаштирилди. Нисбатан тезроқ ишлайдиган тармоқ бошқарув машиналари ўрнатилди.

2.3. Интернет – клиент сервер архитектураси.

¹² Gary B. Shelly Misty E. Vermaat Contributing Authors Jeffrey J. Quasney, Susan L. Sebok, Steven M. Freund Discovering Computers 2011: Living in a Digital World, Complete. Boston, MA 02210 USA. p 45.

¹³ Vermaat, Sebok, Freund, Campbell, Frydenberg. Discovering Computers. – Boston: “Cengage Learning” 2016. p 51.

¹⁴ Gary B. Shelly Misty E. Vermaat Contributing Authors Jeffrey J. Quasney, Susan L. Sebok, Steven M. Freund Discovering Computers 2011: Living in a Digital World, Complete. Boston, MA 02210 USA. p 55.

Интернетдан фойдаланиш. Интернетдан асосан 6 та йўналишда фойдаланилади:

- E-mail-электрон почта
- Chat – IRC E-mail
- WWW World Wide Web GOPHER
- Usenet (телеконференция системаси ва бошқалар).
- дастурларни узоқдан бошқариш
- интерактив ўйинлар

Форум тушунчаси. Интернет тармоғида форумлар веб-сайт кўринишида бўлади ва Веб-форум деб аталади. Веб-форум - веб-сайт ташриф буюрувчилик инг ўзаро муроқотини ташкил этиш учун мўлжалланган веб сайт саҳифалари ва ускуналари мажмуи. Кисқача айтганда, форум бу веб-сайтнинг ташриф буюрувчилари муроқот ўрнатадиган майдончаси.

Эътибор беринг

Форумларда иштирок этиш тартиби:

- форумдан рўйхатдан ўтиш. Форум қоидаларига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига риоя қилиш шарт;
- форумдан рўйхатдан ўтишда расмий шахслар логин учун ўзларининг хақиқий маълумотларини Исм Шарифи, шунингдек иш жойи ва лавозим хам мажбурий шартларга киради;
- маълумотларни киритиш билан бирга фойдаланувчи профил учун аватар сифатида сурат хам тақдим этиши лозим;
- маълумотларини ошкор қилишни истамаган фойдаланувчилар эса ўзлари маъқул деб топган никларни танлашлари мумкин;
- цензурага оид сўзлашув, хақорат, флейм, оффтоп, спам ва реклама таъқиқланади;
- инсонлар шахсиятига тегадиган, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид муҳокамалар, ресурсларга ишоратлар, файллар ва тасвирлар нашр қилиш таъқиқланади;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тарзда фаолият олиб бормайдиган сайтларга ишорат жойлаш ёки шундай маълумотларга эга бўлган сайтлардан маълумот жойлаш таъқиқланади.

Бунда ихтиёрий фойдаланувчи форум веб сайтига ташриф буюриб, ўзини қизиқтирган мавзуни ўртага ташлаши ва веб-сайтнинг бошқа ташриф буюрувчилари билан муҳокама қилишлари мумкин.

Форум муроқотнинг яна бир оддий тури бўлиб, бу муроқотда ихтиёрий вақтда ихтиёрий жойдан қатнашиш ҳам мумкин. Бунда бирор бир мавзу танланади ва у муҳокамага қўйилади. Қатнашувчилар музокара билан танишиб

ўз фикрларини жўнатишлари мумкин. Бу усулда сиз муҳокамада қатнашаётганларни кўрмайсиз, фақатгина уларнинг фикрлари билан танишиб чиқишингиз мумкин. Форумда турли - туман мавзуулар муҳокама қилинади. Бунда сиз бирор мавзууни танлаб, уларнинг муҳокамасида иштирок этишингиз мумкин.

Блоглар ва вики – сайтдаги материалга изоҳ бериш ва маълумот қолдириш.

Блог - бу таркиби матн, тасвир ва мультимедиа маълумотларидан иборат бўлган доимий равишда қўшилиб туриладиган маълумотлар ёки изоҳлардан иборат бўлган сайт. Блоглар одатда у ёки бу материал веб саҳифаси таркибида мавжуд бўлиб, материалга берилган изоҳларни ўзида мужассамлайди.

Вики – бу сайтнинг ўзи томонидан тақдим этиладиган ускуналар ёрдамида унинг тузилмасини ва таркибини фойдаланувчилар ўзгартира олиш имконига эга бўлган веб сайт.

Чат тушунчаси. Интернетда чатдан фойдаланиш ва мулоқот қилиш. Чат деганда реал вақт тизимида Интернет тармоғи орқали хабарларни тезкор алмашиш воситалари ва ушбу мулоқотни таъминлаб берувчи дастурий таъминот тушунилади. Форумларга нисбатан чат тизимида мулоқот қилиш ва хабарлар алмашиш реал вақт тизимида содир бўлади.

Чат - бу бир вақтнинг ўзида бир неча фойдаланувчининг Интернет орқали мулоқотидир¹⁵.



Интернет орқали сўзлашув. Интернет орқали ўзаро мулоқот деганда икки ёки ундан ортиқ фойдаланувчиларнинг бир вақтни ўзида, бир-бирлари билан интернет тармоғи орқали алоқа ўрнатилиши тушунилади. Бундай мулоқот жараёнида фойдаланувчиларнинг жойлашув ўрни аҳамиятга эга эмас, яъни

¹⁵ Vermaat, Sebok, Freund, Campbell, Frydenberg. Discovering Computers. – Boston: “Cengage Learning” 2016. p 60.

- Надстройки

Главная менюси билан ишлаш

Главная (бош) менюси – бу Word дастури учун асосий меню ҳисобланиб, асосан бунда матн формати яъни шрифт ўлчамлари, ранги, стили, жойлашган ўрни, сатрлар ўртасидаги интерваллар ва ҳакозолар ўзгаририлади. Главная менюси қўйидаги қисмлардан иборат:


- Буферли алмаштириш (Буфер обмена)
- Шрифт
- Абзац
- Стил (Стили)
- Тахрирлаш (Редактирование)(4.2 – расм)




4.2 – расм. Ускуналар панели.

Буферли алмаштириш (Буфер обмена) – бу матнни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, матнни кесиб (олиб) ташлаш ва матн формати бўйича образ олиш учун ишлатилади (4.3 – расм).

Едда тутинг: Microsoft Word дастури ускуналаридан фойдаланганда биринчи навбатда матннинг керакли майдони белгилаб олинади. Бунда курсор белгиланиш керак бўлган матн бошига олиб келинади ва сичқончанинг чап тугмасини босиб турган ҳолда сичқонча матн бўйлаб харакатлантирилади.



Демак матнни кўчириб олиш учун ёки олиб ташлаш учун уни белгилаш лозим. Буферли алмаштириш (Буфер обмена) ёрдамида матнларни кўчириб олишда “**Копировать**”, олиб ташлашда “**Вырезать**”, кўчирилган матнни бирон ерга қўйишида “**Вставить**” тугмаларидан фойдаланамиз.



4.3 – расм. Буферли алмаштириш бўлими


Мавзумиз ҳамкорликда ишлаш ҳақида. Тингловчини рағбатлантириш натижасидагина фанга қизиқиш уйғотиш мумкин. Унинг қизиқишлирага асосланган ҳолда маърузалар тузиш керак.

Масалан “Автобиография” бир жойдан иккинчи жойга кўчиришда қўйидаги кетма – кетликтан фойдаланамиз.

1. Автобиография сўзини белгиланади (сичқонча ёрдамида)
2. Буферли алмаштириш бўлимидан “**Копировать**” тугмаси босилади
3. Курсор матн кўчирилмоқчи керак бўлган жойга олиб борилади
4. Буферли алмаштириш бўлимидан “**Вставить**” тугмаси босилади

Ўз навбатида “Автобиография” сўзини олиб ташлашда шу сўзни белгилаб, буферли алмаштириш бўлимидан “**Вырезать**” тугмаси босилади. Ёки клавиатурадан “**delete**” ёки “**backspace**” тугмалари босилади.

Шрифт – бўлими киритилган матн форматини ўзгартириш учун хизмат қиласи. Кўйидаги расмда шрифт бўлимидаги баъзи тугмалар вазифаси келтирилган (4.4 – расм).



4.4 – расм. Шрифт бўлими.



Киритилган матн шрифт ўлчамини (темасини) ўзгартыриш учун қуидаги кетма – кетликлар амалга оширилади:

1. Матн белгиланади
2. Сичқонча кўрсаткичини “шрифт ўлчамини ўзгартыриш” (“шрифт темасини ўзгартыриш”) тугмасига олиб борамиз ва пастга қараб турган стрелкани босамиз
3. Пайдо бўлган сонлар (темалар) менюсидан керакли бўлган ўлчам (тема – масалан Arial) танланиб, сичқончанинг чап томони босилади

Ўз навбатида **Ж** тугмаси билан матнни қалинлаштириш, **К** матнни курсивлаштириш ва **Ч** тугмаси ёрдамида матн тагига чизиш мумкин.

Матн (фон) рангини ўзгартыриш учун қуидаги кетма – кетликлар бажарилади:


1. Матн белгиланади
2. Сичқонча кўрсаткичини “матн рангини ўзгартыриш” (“фон рангини ўзгартыриш”) тугмасига олиб борамиз ва пастга қараб турган стрелкани босамиз ва қуидаги расм пайдо бўлади.

Матн рангини ўзгартыриш	Фон рангини ўзгартыриш
	

3. Керакли бўлган ранг танланади ва сичқончанинг чап тугмаси босилади.


Матн устида бажарылган барча амалларни олиб ташлаш учун шрифт бўлимидан (4.4–расм) “**форматни тозалаш – очистить формат**” тугмасидан фойдаланилади.

Абзац – бу бўлимидан фойдаланган ҳолда матнни сатр бўйича силжитиш, рақамлаш ва маркерлаш, фон рангини ўзгартириш ва граница ҳосил қилиш мумкин (4.5 – расм).



4.5 – расм. Абзац бўлими.

Абзац бўлимидан фойдаланган ҳолда матнни сатр бўйича сатрнинг чап, ўрта ва ўнг томонларида жойлаштириш мумкин.(4.6 – расм)




4.6 – расм. Стандарт абзацдан фойдаланиш

Матнни сатр бўйича абзац катталигига силжитиш учун 4.6 – расмдан “курсорни силжитиш” тугмаларидан фойдаланамиз. Бунда курсор сатрнинг керакли жойига олиб борилади ва мақсадга мувофиқ курсорни чапга ёки ўнга абзац катталигга силжитиш мумкин. Матнларни маркерлаш ва рақамлаш қийидаги кетма – кетлик ёрдамида амалга оширилади.


1. Мақсадга мувофиқ маркер ёки рақамлаш тури танланади

Маркерлаш менюси

Рақамлаш менюси




2. Курсор турган жойдан автоматик равища маркер ёки рақамлаш бوشланади



3. Ҳар бир сатрга керакли матн киритилади ва “Enter” түгмаси босилгандан кейин рақамлаш ёки маркерлаш автоматик ҳолда давом этади
4. Маркерлаш ёки рақамлашдан чиқиб кетиш учун охирги сатрга ҳеч нарса ёзилмасдан “Enter” түгмаси босилади

Сатрлар ўртасидаги интервални созлаш учун Абзац бўлимидан “интервал” түгмасидан фойдаланамиз. Бунда матн белгиланади ва интервалга кириб керакли интервал катталиги танланади. Стандарт ҳолда сатрлар орасидаги интервал 1.15 га teng бўлади.
(Интервал расмини қўйиш керак)



Граница – сатрни (ёки бир нечта сатрни) рамкага олиш учун ишлатилади (4.7 – расм).



4.7 – расм. Граница менюси


Ўз навбатида сахифанинг белгиланган майдонига ранг (фон) бериш учун “Заливка” түгмасидан фойдаланилади. ва менюдан мос ранг танланиб сичқончанинг чап томони босилади.

Стил (Стили) – бўлимида матн учун умумий бўлган стил бериш мумкин. Бунда стил менюсидан керакли бўлган стил танланади ва сичқончанинг чап тугмаси босилади (4.8 – расм).



4.8 – расм. Стил менюси


Тахрирлаш (Редактирование) – матн бўйича сўзларни қидириш, уларни бирон бир сўз билан алмаштириш учун ишлатилади (4.9 – расм).



4.9 – расм. Тахрирлаш менюси

Қидириш 2 хил амалга оширилади (4.10 – расм)

- ✓ Оддий қидириш
- ✓ Кенгайтирилган қидириш




4.10 – расм. Кенгайтирилган қидирув менюси

Оддий қидиришдан фойдаланадиган бўлсак, “Найти” тугмасини босамиз ва дастурнинг чап томонида ҳосил бўлган “Навигацияга” қидирмоқчи бўлган сўзни киритамиз. Агар биз қидираётган сўз матнимизда бўлса, сўз сариқ ранг билан белгиланиб кўрсатилади. Матнда шу сўздан нечта қатнашган бўлса ҳаммаси сариқ рангда белгиланиб кўрсатилади.


Кенгайтирилган қидириши – қидириш билан бирга, топилган сўзни бирон бир сўз билан алмаштириш имконини беради ва ўз навбатида матн бўйича ўтишларни амалга ошириш мумкин.

Қидириши:



4.10.1 – расм. Қидириш (Кенгайтирилган қидириш бўйича)


Алмаштириши:



4.10.2 – расм. Алмаштириш (Кенгайтирилган қидириш бўйича)

Юқоридаги расмда кўрсатилганидек, “Заменить” бўлимидан “Найти” майдонига қидирилмоқчи бўлган сўз (сон, символ) киритилади ва “Заменить на” майдонига қидирилган сўз ўрнига киритмоқчи бўлган сўз (сон, символ) киритилади ва “Заменить все” тугмаси босилади. Масалан матнимиздаги “777” сонини “888” сони билан алмаштироқчимиз. Бунда “Найти” майдонига 777, “Заменить на” майдонига 888 киритилади ва “Заменить все” тугмаси босилади.

Ўтиши:



4.10.3 – расм. Ўтиш (Кенгайтирилган қидириш бўйича)

Матн бўйича ўтиш юқорида расмда кўрсатилган категориялар (Страница, Раздел, Сторка...) бўйича амалга оширилади. Масалан 7 – саҳифага ўтмоқчи бўлсақ, “Объект перехода” дан “Страница” категориясини танлаймиз ва, “Ведите номер страницы” майдонига 7 рақамини киритамиз ва “Перейти” тугмасини босамиз.


Файл менюси. Microsoft Word дастурида хужжатларни сақлаш, очиш ва яратиш.

Файл менюси асосан қуидагилардан ташкил топган

- ✓ Янги файл яратиш (Создать)
- ✓ Файлни сақлаш (Сохранить как)
- ✓ Ўзгартириш киритилган файлни сақлаш (Сохранить)
- ✓ Қаттиқ дискда жойлашган файлни очиш (Открыть)
- ✓ Файлни ёпиш (Закрыть)


Microsoft Word дастурида да хужжатни сақлаш қуидаги кетма – кетлик ёрдамида амалга оширилади()

- 1) файл менюсига кирилади
- 2) “сохранить как” тугмаси босилади
- 3) пайдо бўлган ойначадан “Имя файл” майдонига файл номини киритамиз
- 4) “тип файл” майдони Microsoft word 97 – 2003 га ўзгартирилади (агар файл типи Microsoft word типида қолса, бу файлни Microsoft word дастурининг 2003 йилги талқини ўқиши имкониятига эга бўлмайди)
- 5) Ойначанинг чап томон менюсидан хужжат сақланадиган жой кўрсатилади (масалан Рабочий столъ)
- 6) “Сохранить” тугмаси босилади



4.11 – расм. Хужжатни сақлаш ойнаси

Microsoft Excel дастурида ишлаш. (4.12 – расм).



4.12 – расм. Microsoft Excel дастури ишчи ойнаси


Расмда күрсатилганидек Microsoft Excel дастури қуидаги қисмлардан иборат:

- Дастур менюлари
- Ускуналар панели
- Ячейкалар
- Дастур сахифалари (Лист1, Лист2 ...)

Бу ерда ҳар бир дастур менюси ўз ичига мос ускуналар панелини олади. Ўз навбатида ускуналар панели матнга ишлов бериш учун ва ҳисоб китобларни амалга ошириш учун хизмат қиласи.

Microsoft Excel дастури бир нечта ячейкадан (катақчалардан) ташкил топган. Шунинг учун бу дастур электрон жадвалли дастур деб аталади. Ҳар бир ячейка ўз адресига эга. Масалан A1, A2 E4, E5 P3 ва ҳакозо. Агар биз курсорни бирон бир ячейка устига олиб бориб сичқончанинг чап тұгасини бир марта босадиган бўлсак, шу ячейка рамкага олинади яни дастур шу ячейка билан ишлайди. Бунинг adresини билиш учун қайси устун ва қайси сатрда турганини аниқлаш кифоя. Масалан 5.12 – расм бўйича күрсатилган ячейка адреси D5 га тенг.

Ўз навбатида Excel дастурида битта очилган ойнада бир нечта сахифалар яратиш мумкин. Булар 5.12 – расмда күрсатилган *Сахифалар (List)* дир. Стандарт ҳолда у ерда 3 та сахифа мавжуд бўлиб, ҳар бир сахифа ўзининг ячейкаларига эга. Бу бир вақтнинг ўзида бир нечта вазифани бажариш учун қулайлик туғдиради.



4.12a – расм. Саҳифа яратиш

Юқоридаги расмда (4.12a – расм) кўрсатилган тугмани босадиган бўлсак янги саҳифа яратилади. Саҳифалар номини ўзгартириш учун “лист1” устига бориб сичқончанинг чап тугмасини икки марта босамиз ва ўзимиз ҳоҳлаган номни клавиатура орқали киритамиз ва “Enter” тугмасини босамиз (4.12b – расм).



4.12b – расм. Саҳифа номини ўзгартириш

Масштаб – ишчи ойна масштабини ўзгартириш учун ишлатилади. Бунинг учун мақсадга мувофиқ масштаб майдонидаги + ёки – тутгалари босилади. Ҳар бир босилганида масштаб ўлчами 10% га ўзгаради.

Microsoft Excel дастурида формула ва гистограммалар

Арифметик амаллар билан ишлаш

Excel дастурида арифметик амаллар билан ишлаш ҳар бир ячейкага амални бажариш формуласини киритиш орқали амалга оширилади. Масалан C3 ячейкада турган ҳолда формулани қўйидагича ёзамиз:

$$= 5 + 4 + 7 - 6 - 2$$

ва “Enter” тугмасини босамиз. Натижа эса 8 чиқади. Бу ҳолда Excel дастури оддий калкулятор вазифасини бажаради. Энди C5 ячейкага кўпайтириш (*) ва бўлиш (/) амалларини қўллаган ҳолда мукаммалроқ формула ёзиб кўрамиз.

$$= (5 + 7) / 2 - (4 - 2) * 2$$

ва “Enter” тугмасини босамиз. Натижа C5 ячейкани ўзида 2 чиқади. Демак бундан кўринадики, Excel дастурида арифметик амаллар билан ишлаш жараёнида исталган ячейкага биринчи бўлиб “=” tenglik белгиси киритилади, давомидан арифметик кўпхад киритилиб кейин “Enter” тугмаси босилади.

Бошқа ҳолларда арифметик амалларни ячейкага киритилган сон қийматлари устида бажариш мумкин. Масалан 4.13 – расмдаги жадвал учун арифметик амалларни бажариб кўрамиз.

A	B	C	D	E	F	G
1				Кафедра гурухлар рўйхати		
2						
3		Гурухлар	Алочилар	Яхшилар	Қониқарлилар	
4		210	5	12	4	
5		211	4	10	6	
6		212	6	11	5	
7		213	3	14	4	
8		214	4	13	3	
9		215	5	11	5	
10						

4.13-расм дарс бериладиган гурухлар статистик жадвали

Жадвалдан “Алочилар” устунини ячейка қийматларини йиғиндисини ҳисоблаймиз. Бунинг учун D10 ячейкага курсорни олиб борамиз кейин “=”тенглик белгисини киритиб, сон қийматларини киритамиз. Сон қийматларини киритиш 2 хил усулда оширилади.

1. Оддий усул орқали $= 5 + 4 + 6 + 3 + 4 + 5$

$$=5+4+6+3+4+5$$

2. Ячейка адресларини киритиш орқали $= D4 + D5 + D6 + D7 + D8 + D9$

$$=D4+D5+D6+D7+D8+D9$$

Ячейка адресларини киритишида тенглик “=” белгисидан кейин мос сон қиймати турган ячейка устига бориб сичқончани чап тугмасини бир марта босамиз. Шу ячейканинг адреси тенглиқдан сўнг пайдо бўлади, кейин “+” белгиси киритилиб мос ячейкалар адреси юқорида айтилгандек киритилиб борилади ва охирида “Enter” тугмаси босилади.

Энди қолган устунлар йиғиндисини автоматик ҳисоблаш мумкин. Бунинг учун қўйидаги кетма – кетликни бажарамиз (4.14 – расм)

- ✓ “Алочилар” устини йиғиндиси чиқсан ячейкага курсорни олиб борамиз
- ✓ Ячейканинг чап пастки қисмида жойлашган бошқарувчи “тўртбурчак” тугмача устига бориб сичқончанинг чап тугмасини босамиз.
- ✓ Сичқончанинг чап тугмаси босиб турган ҳолда курсорни сатр бўйлаб ўнг томонга ҳаракатлантирамиз

A	B	C	D	E	F
1					
2					
3		Гурухлар	Алочилар	Яхшилар	Коніқарлілар
4		210	5	12	4
5		211	4	10	6
6		212	6	11	5
7		213	3	14	4
8		214	4	13	3
9		215	5	11	5
10			27		
11					
12					
13					
14					

4.14 – расм. Автоматик ҳисоблаш

Натижа:

27	71	27
----	----	----

Стандарт формулалардан фойдаланиш, фоиз чиқариш

MicrosoftExcel дастури турли хил ҳисоб – китобларни автоматик равишида амалга оширади. Бунинг учун стандарт бўлган формулалардан фойдаланилади.

MicrosoftExcel дастуридаги стандарт формулалар “**Формулы**” менюсида жойлашган (4.15 – расм). Бу меню үзиге жуда күп формулаларни қамраб олган бўлиб, қўйида улардан баъзилари келтирилган.


Автосуммалар – **Автосумма** (Сумма, Среднее, Число ...)

Мантиқий формулалар – **Логические** (Если, Или, И)

Матнли – **Текстовые** (Заменить, Значен, Найти)

Молиявий – Финансовые (Доход, И норма, Ставка ...)

Математик - **Математические** (Корень, Cos, Sin, Exp) ва бошқалар




4.15 – расм. “Формулы” менюси ускуналар панели

Функция тузили устаси

Бошқа ҳолда эса тўғридан – тўғри формулалар менюсига кириш учун дастур ойнасидаги(ячейкалар адресини кўрсатиб турадиган майдоннинг ўнг томонида жойлашган) f_x тутмасидан фойдаланамиз f_x ёки 4.15 – расмдаги “функциялар ойнасига кириш тутмаси” орқали ҳам киришимиз мумкин.


Ҳар бир функциядан фойдаланаётган пайтда, биринчи бўлиб формула орқали ҳисобланган натижа қайси ячейкага чиқишини аниqlаш керак, яъни курсор натижа чиқиши керак бюўлган ячейкада туруши лозим.

Демак f_x тутмасини босганимиздан кейин “функциялар ойначаси” қўйидаги қўринишга эга (4.16 – расм).



4.16 – расм. Функциялар ойналаси

Расмда күриниб турибдики, “Категория” майдонидан формула қайси турға тегишлилиги белгиланади (масалан мантиқий, математик) ва “Выберите функцию” майдонидан керакли бўлган формула танланиб “OK” тұгаси босилади ва натижада қуйидаги ойна пайдо бўлади (4.16.1 – расм)




4.16.1 – расм. “Сумма” формуласи ойнаси

Бу ерда “Число1”, “Число2” лар майдонига йигиндида қатнашаётган ячейкалар адреси киритилади. Масалан С3 ячейкадан Р5 ячейкагача бўлган сонларни қўшиш учун “Число1” майдонига С3:Р5 деб ёзилади.

“OK” тұгаси босиладиган бўлса белгиланган ячейкада кўрсатилган ячейкалардаги сонлар йигиндиси қиймати пайдо бўлади.

Шу кетма – кетликларда бошқа формулалардан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан “Алочилар” устуни учун СРЗНАЧ – ўртача қийматни чиқариш формуласидан фойдаланамиз (4.17 – расм). Бунинг учун:

- ✓ натижа чиқадиган ячейка белгиланади (мисол бўйича “E12”)
- ✓ f_x тугмаси босилади
- ✓ пайдо бўлган ойначадан “СРЗНАЧ” формуласи танланиб “ОК” тугмаси босилади
- ✓ йиғинди аргументи майдонига “E4:E9” деб ёзилади
- ✓ ойначадаги “ОК” тугмаси босилади



4.17 – расм. “СРЗНАЧ” функциясидан фойдаланиш ойнаси

Юқорида айтилганидек белгиланган ячейкага, кўрсатилган устунлар сонларининг ўртача қиймати чиқади.


	A	B	C	D	E	F
1	Кафедра гурухлар рўйхати					
2						
3			Гурухлар	Алочила	Яхшила	Қониқарлила
4			210	5	12	4
5			211	4	10	6
6			212	6	11	5
7			213	3	14	4
8			214	4	13	3
9			215	5	11	5
10		Йиғинди		27	71	27
11		Йиғинди		27	71	27
12	Ўртача қиймат		4,5	11,83333333	4,5	

4.17.1 – расм. Жадвал устинида “СРЗНАЧ” формуласи натижаси

Баъзи ҳолларда жадвалдаги берилган қийматлар бўйича шартли текшириш зарур бўлади. Шартли текшириш учун “ЕСЛИ” функциясидан фойдаланилади. “ЕСЛИ” функциясини ишга тушуриш ва бажариш қўйидаги кетма – кетниклар орқали амалга оширилади (4.18 – расм).

- ✓ натижа чиқадиган ячейка белгиланади (мисол бўйича “G4”)
- ✓ f_x тугмаси босилади
- ✓ пайдо бўлган ойначадан “ЕСЛИ” функцияси танланиб “ОК” тугмаси босилади

- ✓ функция аргументининг “Лог_выражение” майдонига шарт киритилади. Максадга мувофиқ шарт бериладиган ячейка адреси киритилиб, кейин шарт белгиси билан шартни қаноатлантирувчи сон киритилади (масалан D4>=4)
- ✓ функция аргументининг “Значение_если_истина” майдонига шарт бажарилгандаги қиймат ёзилади (масалан “гурух альохи”)
- ✓ функция аргументининг “Значение_если_ложь” майдонига шарт бажарилмагандаги қиймат ёзилади (масалан “гурух альохимас”)
- ✓ ойначадаги “OK” тұғмаси босилади



4.18 – расм. “ЕСЛИ” функцияси ойнаси

Демек, киритилган шарт бүйича D4 ячейка қиймати текширилади. Агар D4 ячейка қиймати “4” га teng ёки undan катта болса, бунга мос ҳолда G4 ячейкага “гурух альохи” деган ёзув чиқади акс ҳолда “гурух альохимас” деган ёзув чиқади. Команда бажарилгандан кейин натижә қуидагыча болади (4.19 – расм).

Гурұхлар	Алочилар	Яхшилар	Қониқарлилар	Столбец1
210	5	12	4	Guruh alochi
211	4	10	6	Guruh alochi
212	6	11	5	Guruh alochi
213	3	14	4	Guruh alochimas
214	4	13	3	Guruh alochi
215	5	11	5	Guruh alochi
Йигинди	27	71	27	
Йигинди	27	71	27	шарт киритилген ячейкалар
Үртача қиймат	4,5	11,83333333	4,5	

4.19 – расм. “ЕСЛИ” функцияси орқали қийматни текшириш

Фоиз чиқариш

Математик томондан фоиз (%) – бу иккита соннинг бир бирига боғлиқлигини ифодалайдиган амалdir. Яъни “100” ва “20” сони берилган ва бу ерда “20” сони “100” сонининг қанча фоизини ташкил қиласди. Демак,

$$100 - 100\%$$

$$20 - X\%$$

бўлса,

$$X = \frac{20}{100} * 100\% \quad (1)$$

формула орқали топилади ва натижа 20 % чиқади.

Microsoft Excel дастурида фоизни ҳисоблашда натижа чиқадиган ячейка сон формати “Процентный” да бўлиши зарур. Агар сон формати “Процентный” да бўладиган бўлса, (1) формуладаги “*100%” ни ёзиш шарт эмас. Жадвалимиздан фойдаланиб мисол кўрамиз.

Жадвалда (2.9 – расм) “Алочиilar” устуни бўйича умумий альочиilar сони “27” га teng. Демак 210 гурухдаги альочиilar сони умумий альочиilar сонининг қанча фоизини ташкил қиласди?

1. “G4”ячейка формати “Процентный” га ўтказилади
2. Мос равишда 210 – гурух альочиilar сони умумий альочиilar сонига бўлиннида ($5/27$ ёки мос равишда ячейка адресларини D4/D10 киритишими мумкин. (5.20 – расм)
3. “Enter”тутгаси босилади

Кафедра гурухлар рўйҳати					сон формати "Процентный"
Гурухлар	Алочиilar	Яхшилар	Кониқарлилар	Фоиз	
210 г	5	12	4	=5/27	
211 г	4	10	6		
212 г	6	11	5		
213 г	3	14	4		
214 г	4	13	3		
215 г	5	11	5		
Йигинди	27	71	27		
Йигинди	27	71	27		
Ўртача қиймат	4,5	11,83333333	4,5		

4.20 – расм. Фоиз чиқариш учун формулани киритиш

Натижа 19% чиқади. Демак 4.20 – расм дан кўринадики, ячейка сон формати “Процентный” да бўлиши қўшимча (*100%) ни киритишни талаб қилмайди ва натижа яхлитланган ҳолда чиқади.


Гурухлар	Алочиilar	Яхшилар	Кониқарлилар	Фоиз
210 г	5	12	4	19%

Бу ҳолда автотўлдиришдан фойдаланадиган бўлсак, хатолик юз беради яъни ҳамма гурух учун қийматлар бир хил бўлиб қолади. Автотўлдиришни амалга ошириш учун “27” сони қолган ячейкалар учун ҳам ўзгармас бўлиши

керак. Бунинг учун “\$” белгисидан фойдаланамиз. Яъни формула киритаётганда қиймати (адреси) ўзгармайдиган абсолют ячейка адреси ташкил этувчилари олдига “\$” белгиси қўйилади:


D4/\$D\$10

Бу ерда, жадвал бўйича D4 “5” га teng, D10 эса “27” га teng. \$D\$10 бўлишига сабаб, ҳар бир груп учун аълочилик сони фоизда ҳисобланадиганда умумий ийинди қиймати ўзгараслиги керак. Ячейкани адреси ўзгарас бўлса, бу абсолют адрес деб аталади. Ячейкадаги формула бошқа ячейкага кўчирилганда адресни ўзгариши нисбий адрес дейилади. Устун ёки қатор олдида “\$” белгиси қўйилган ҳолларда \$D10 ёки D\$10 аралаш адрес деб аталади. Аралаш адреслар нисбий ва абсолют адресларга эквивалент. \$D10-нисбий адресга, D\$10-абсолют адресга эквивалент.



Диаграммалар яратиш

Microsoft Excel дастурида диаграмма яратиш учун “Вставка” менюсидаги “Диаграммы” бўлимидан фойдаланилади (4.21 – расм).



4.21 – расм. “Диаграммы” бўлими

Диаграмма ҳосил қилиш учун олдин керакли бўлган ячейкаларни белгилаш лозим. Кейин Диаграммалар менюсига кириб гистограмма тури танланади ва сичқончанинг чап тугмаси бир марта босилади. Шунда белгиланган майдон учун гистограмма ҳосил бўлади.


Жадвал бўйича гистограмма қўйидагича ҳосил қилинади:

- ✓ С3 дан F9 гача ячейкалар белгиланади

	A	B	C	D	E	F
1						
2						
3			Гурхлар	Алочиларап	Яхшиларап	Кониқарлилар
4			210 г	5	12	4
5			211 г	4	10	6
6			212 г	6	11	5
7			213 г	3	14	4
8			214 г	4	13	3
9			215 г	5	11	5

4.21.1 – расм. Ячейкалар белгиланиши (С3 дан F9 гача)

- ✓ Диаграммалар менюсидан “Гистограмма” түгмаси босилади ва тури танланади ва қуидаги графикка эга бўламиз.




4.21.2 – расм. Қийматга мос гистограмма кўриниши

Microsoft Power Point дастурида ишлаш. Слайдлар яратиш ва улар билан ишлаш.

Ҳар бир слайд бир нечта матн киритиш мумкин бўлган рамкалардан иборат бўлади. Слайдга матн киритиш учун ўз навбатида матн учун ажратилган майдонга яъни “Заголовок слайда” ёки “Подзаголовок слайда” сўзларининг ўстидан сичқончанинг чап түгмасини босиб, курсор пайдо бўлган жойдан матн киритамиз (4.22 – расм). Бу ҳолда матн устида бажариладиган амаллар Microsoft Word дастуридагиек амалга оширилади.


Эслатма: Матнга ўзгартириш киритишдан олдин ҳар доим матнни белгилаб олиш лозим.



4.22 – расм. 1 – слайд кўриниши ва унга матн киритиш


Главная менюсидаги қўшимча тугмалар вазифасини кўриб чиқамиз. Главная менюсига “Слайд бўлими” қўшилган бўлиб, “Создать слайд” тугмаси қўшимча слайд яратиш учун қўлланилади. Слайд яратиш учун қўйидаги амалларни бажариш лозим:

- Главная→Создать слайд→ керакли бўлган слайд шаблони танланади (4.23 – расм).
- Ёки Ctrl+M




4.23 – расм. Слайд яратиш менюси


Яратилган слайднинг макетини ўзгартириш учун “Макет” тугмасидан фойдаланамиз(4.24 – расм).



4.24 – расм. Слайд учун макет танлаш менюси.


Главная менюсидаги Шрифты бўлимидаги **S** ва **AV** тугмалар қўшилган бўлиб, биринчи тугма **матнга соя эфектини** берса, иккинчи тугма **ҳарфлар орасидаги интервални** белгилаб беради (4.25 – расм).





4.25 – расм. Матн харфлари орасидаги интервални ўзгартириш

Главная менюсинг “Абзац” бўлимида “**Направления текста**”, “**Выровнять текст**” ва “**Преобразовать в SmartArt**” тугмалари қўшилган (5.26 – расм). Направления текста тугмаси матннинг йўналишини белгилаб беради.



4.26 – расм. “Абзац” бўлими тугмалари


Направления текста	Выровнять текст	Преобразовать в SmartArt

4.26.1 – расм. Матн йўналишини ўзгартириш

4.26.2 – расм. Рамка бўйича матн текислаш


4.26.3 – расм. Слайдга структурали фигура

Главная менюсига “**Рисование**” бўлими қўшилган бўлиб (4.27 – расм), слайдларга фигуралар жойлаштириш, матн киритиш учун қўшимча рамкаларкўйиш, расм ва фигураларнинг жойлашув ҳолатини белгилаб бериш, стил бериш амалларини бажаради.




4.27 – расм. Рисование бўлими

Фигуралар жойлаштириш учун фигуралар менюсидан (4.27.1 – расм) керакли бўлган фигура танланади ва сичқонча курсор слайд устига олиб борилади ва чап тугмачаси бир марта босилади. Ўз навбатида биз танлаган фигура слайдимизда пайдо бўлади (4.27.2 – расм).




Бу фигуранинг бошқарувчи тугмаларидан фойдаланиб ўлчамини ўзгартириш мумкин.




4.27.2 – расм. Слайддаги фигуралар ва уларни ўзгартириш

Баъзи ҳолларда слайдга мос равишда матн кўшиш керак бўлади. Бунинг учун Фигура менюсидаги “Надпись” тугмасидан фойдаланилади (4.27.3 – расм).



4.27.3 – расм. “Надпись” тутмаси

Бундан фойдаланганда олдин “Надпись” тутмаси танланади ва слайднинг керакли жойига курсор олиб борилиб, сичқонча чап тутмаси бир марта босилади. Пайдо бўлган рамкага матн киритилади (масалан “Юлдуз” сўзи) (4.27.4 – расм).




4.27.4 – расм. Слайдга матн киритиш.

Фигураларнинг ичига ҳам матн киритиш мумкин. Бунинг учун курсор фигура устуга олиб борилади ва ўнг тугмаси босилади. Пайдо бўлган менюдан “Изменить текст” тугмаси босилади ва курсор пайдо бўлган жойдан матн киритилади (4.27.5 – расм).



4.27.5 – расм. Фигурага матн киритиш.


Фигураларга, рамкаларга стил бериш учун “Рисование” бўлимидағи “Экспресс – стили” тугмасидан фойдаланилади (4.27.6 – расм).



4.27.6 – расм. “Экспресс – стили” тугмаси менюси.

Демак бу стилдан фойдаланиш учун олдин фигура ёки рамка танланади. Кейин “Экспресс – стили” менюси кириб бирон стил танланади.

Ўз навбтида стилни янада мукаммалаштириш учун “Заливка фигуры”, “Контур фигуры” ва “Эффект фигур” тутгмаларидан фойдаланилади (4.27.7 – расм).





4.27.7 – расм. Қўшимча стилдан фойдаланиш

Microsoft PowerPoint дастурида слайд, матн, расм ва фигуралардан нусха кўчириш, қирқиб олиш амалларини бажариш учун қуидаги буйруқларни бажариш лозим:

Нусха олинаётган матн ёки расм белгилаб олинади→**Главная менюсидағи “Буфер обмена”** дан “копировать” (тугмаси танланади→ жой кўрсатилади→ “Вставить” тугмаси босилади.

4.2. Таълимий интернет ресурслари, сервислари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш

Таълимий интернет ресурслари ва сервисларидан фойдаланиш хозирги кун талабларидан бир. Ҳозир тингловчини энг кўп вақти интернет ресурсларидан маълумотлар олиш ва танишиш учун сарифланмоқда. Шундай экан педагог ҳам тингловчи билан хамкорликни шу ресруслар ёрдамида амалга ошириши мулокотни янада оширади. Бунинг учун Google асбоб ускуналари, Веб муҳит, Google Диск, Google Хужжатлар ёрдамида амалга ошириш мумкин. IspringFree дастури дарсларни янада сифатини ошириш учун тестлар, вақт шкалалари ва 3D китоблар таёrlаш мумкин. IspringFree дастур имкониятларидан фойдаланиб 3D китоб ва вақт шкалалари яратиш. Google Диска Веб муҳитини яратиш. Google хужжатлар (англ. Google Docs) — текин онлайн-офисни ичига олади.

Google Диска педагог учун тингловчилар билан мулокот қилиш учун 2 Гб жой берилади. Бу жойда Google хужжатлар, Google тақдимотлар ва Google жадваллар тайёрлаш имконини беради. Бу билан биргаликда тингловчиларга топшириқлар бериш ва қабул қилиб олишда фойдаланиш мумкин.

Таълим

Электрон таълим
(он-лайн)

Анъанавий



Маъруза



Лаборатория
ва амалий
машғулотлар

Университет



Семинарлар



Профессор-
ўқитувчилар



Университет



Семинарлар



Маъруза





Лаборатория ва
амалий
машғулотлар



Профессор-
ўқитувчилар

Бу Google Диска файллар ҳимояланган жойда жойлаштирилади.





Ҳозирги замонда тингловчиларнинг билимини текширишда АҚТ муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Бундан ташқари, мактаблар ўқув-дастурларига АҚТ билан танишишнинг киритилиши тингловчиларнинг бу борадаги билимларини синовдан ўтказиш заруратини вужудга келтирди. Охир-оқибатда таълим жараёнида ўз-ўзини баҳолашнинг ўрни ортиб бормоқда.

Баҳолаш тизимиға бир неча ҳил нуқтаи назардан қарашлар мавжуд. Жумладан, баҳолаш тизимининг ишончлилиги, адолатлилиги, ҳақиқийлиги, қонунга асосланганлиги, унинг ўқитувчилар, тингловчилар ва бошқаларга таълим тизимини ривожлантиришда мақсадга мувофиқ ёрдам берәётганлиги, шунингдек унинг жавогарликни таминлаётганлиги борасида саволлар юзага келган.

4.3. Тахлил ва баҳолаш.

“Тахлил” тингловчиларнинг ютуқлари ҳақидаги маълумотларни йиғиш ва мулоҳаза юритишни англатади, “мулоҳаза қилиш” эса таълим мақсадларининг эришиш даражасини билдирадиди. Тингловчиларнинг муваффақиятини баҳолаш одатда тестлар, синф ва уй вазифалари орқали амалга оширилади. Оддий тушнугирганда, тахлил маълумот орқали бажарилган вазифаларни назарда тутса, баҳолаш шу маълумотлар асосида қабул қилинган қарорни англатади.

Бир сўз билан айтганда тахлил ижро ҳақида маълумотлар йиғиш жараёни бўлса, баҳолаш бу маълумотларнинг қиммати ва мазмунини текшириш.

Тахлилнинг бази бир жиҳатларини АҚТни қўллаган ҳолда автоматлаштирилиши мумкин. баҳолашда ҳам АҚТ аҳамияти юқори. Нима бўлмасин, баҳолашда инсон омили барибир бирламчидир. Шу сабабли бу ҳолатда вазифани амалга оширишда инсон ва АҚТ тизими ўртасидаги мувозанатни сақлаш керак.

Стандарт (Норма) ва меъзонли (критериал) манбали баҳолаш

Тингловчиларнинг ижросини давлат ва миллий баҳолаш тингловчиларни меъзонлар ва тингловчиларни тингловчиларга ўзаро солиштиришга олиб келади. Бу икки таъриф баҳолаш таълим маркази (CSE) қуидагича тариф беради. **Кретериал асосланган баҳолаш**. баҳолашнинг бу турида индвиднинг вазифси, бошқа тингловчининг вазифаси билан эмас, маълум белгиланган стандартлар билан қиёсланган ҳолда текширилади²².

Меъзонли (критериал) баҳолаш баҳолашнинг шундай турики, унда шахснинг иши белгиланган таълим стандартларига мувофиқ текширилади. Баҳолашнинг бу тури тингловчилар томонидан белгиланган стандартларга қай даражада эришилаётганлигини аниқлайди ва бу айрим олинган шахснинг ишини айрим тингловчилар, ёки шахслар доираси билан солиштирилади, бир сўз билан айтганда уларнинг иши марказий ёки локал доирада текширилади. Критериали баҳолашда ҳеч бир ёки барча ўрганилган нарсалар маҳсус белгиланган талабларга ёки стандартга эришмаслиги мумкин. Норма баҳолашда тингловчининг иши бошқа бир тингловчининг иши ёки тингловчининг иши маълум бир тингловчилар грухси ишлари билан таққосланади. Одатда тингловчилар грухси дейилганда маълум бир миллий бирликдаги бошқа тингловчилардан ажралиб турувчи тингловчилар назарда тутилади. Бу ўринда, тингловчилар, мактаблар, туманлар ҳаттоқи давлатлар ўзаро таққосланади. Баҳолашнинг бу туридан мақсад тингловчиларни грухларга ажратишdir.

Норма баҳолаш турида маълумотлар баъзаларини яратиш учун ҳозирда АҚТлар кенг қўлланилиб келиняпти. Критериал баҳолашда эса инсон омили калит вазифасини ўтайди²³.

Назорат саволлари:

1. Microsoft Word дастури қандай менюлардан ташкил топган ?
 2. Матн шрифтини ва сатрнинг фон рангини ўзгартириш қандай амалга оширилади?
 3. Матн форматини қандай усуллар ёрдамида ўзгартириш мумкин?
 4. Фуқаролик судига ариза ташлашда форматини ўз талаблари бор. Ушбу талабларни ўрнатиш учун ишни қайси буйруқдан бошлаш керак.
 5. Стандарт функциялар қайси тугма орқали чақирилади?
 6. “СУММ” ва “СРЗНАЧ” функциялари қандай вазифани бажаради?
 7. F4 ячейкада “4” сони “16” сонининг қанча фоизини ташкил қилишини чиқаринг.
 8. Ҳайдовчи спиртли ичимлик ичиб транспорт воситасини бошқариш учун тайинланадиган жазони аниқлаш (Excel дасури ёрдамида)
- Берилган: энг кам иш ҳаққи $s=102000$ сўм

²² David Moursund. Introduction to Information and Communication Technology in Education. Teacher Education, University of Oregon Eugene, Oregon 2005. – 78 p.

²³ David Moursund. Introduction to Information and Communication Technology in Education. Teacher Education, University of Oregon Eugene, Oregon 2005. – 79 p.

Қоида бузарликлар сони n= 1 дан 3 гача (1,2,3)

Шартлар: Агар n=1 бўлса у ҳолда жазо= s

Агар n=2 бўлса у ҳолда жазо = s*10

Агар n>=3 1 бўлса у ҳолда жазо = "Ҳайдовчилик
гувоҳномасидан 6 ойга маҳрум қилиш"

Мантиқий функция формуласини ёзиб беринг.

9. Баҳолаш мезонлари қандай бўлиши керак? Сиз билган ОТМ ларни қиёсий таҳлил қилинг.
10. Вақт шкаласини қайси дастурда бажариш мумкин?

Фойдаланилган адабиётлар:

1. David Moursund Introduction to Information and Communication Technology in Education., Teacher Education, University of Oregon Eugene, Oregon 97405 moursund@oregon.uoregon.edu
2. Gary B. Shelly Misty E. Vermaat Contributing Authors Jeffrey J. Quasney, Susan L. Sebok, Steven M. Freund Discovering Computers 2011: Living in a Digital World, Complete. Boston, MA 02210 USA.
3. С.С.Қосимов Ахборот технологиялари. Тошкент., 2006 йил. ТАТУ.
4. Ғуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари – Т.: “Шарқ”, 2000 й.

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

Амалий машғулотлара тингловчилар назарий материалларни мустаҳкамлайди. Замонавий Ҳуқуқий ахборот тизимлари асослари бўйича малака ва кўнижмаларини оширишда назарий билимлардан фойдаланган ҳолда амалий топшириқларни бажаради. Топшириқларни бажаришда тарқама материаллардан, мавзуга оид мақола, тезислардан ва хорижий адабиётлардан фойдаланилади.

1 – амалий машғулот

Тармоқ тушунчаси. Интернет тармоғининг асосий хизматлари.

Мақсад: педагогик фаолиятда интернет тармоқ ва унинг имкониятларидан фойдаланиш ва таълимга тадбиқ қилишга ўрганиш.

Таълимий воситалар: дастурний таъминот, техник таъминот, мультимедияли компьютер қурилмалари, флипчарт, маркерлар.

Проектор ёки флипчарт доскада тармоқ турларини Синквей усулида таҳлил қилиш:

От _____
иккита сифат _____
учта феъл _____
тўртта сўздан иборат жумла _____
отнинг синоними _____

Куйида келтирилган жадвални тўлдириш вазифаси берилади.

Локал тармоқ	Минтақавий	Глобал
...

Тўлдириш даврида ҳар бир тармоқни мутахассислик ёки дарс даврида қандай фойдаланиш мумкинлиги изоҳланиши керак.

2 – амалий машғулот

Ҳуқуқий соҳа ахборот тизимларининг турлари ва структураси.

Мақсад: педагогик фаолиятда интернет тармоқ ва унинг имкониятларидан фойдаланиш ва таълимга тадбиқ қилишга ўрганиш.

Таълимий воситалар: дастурний таъминот, техник таъминот, мультимедияли компьютер қурилмалари, флипчарт, маркерлар.

Хуқуқий ахборот тизимларини ҳар бири билан танишиш ва куйидаги Эйлер-Венн диаграммасида келтирилган қисмларни жадвалга түлдириңг.



Куйидаги жадвалга ҳуқуқий ахборот тизимларининг имкониятларини ўрганиб чиқиб устунларни түлдириңг. Тизимларни камчиликлари ва яна нималар бўлиши кераклигини холоса қилинг.

Хуқуқий таъминоти	Дастурый таъминоти	Хуқуқий дастурый таъминоти
...

3 – амалий машғулот

Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Мақсад: педагогик фаолиятда таълимий дастурий ва интернет ресурслар, серверлар имкониятларидан фойдаланиш ва таълимга тадбиқ қилишга ўрганиш.

Таълимий воситалар: дастурый таъминот, техник таъминот, мультимедияли компьютер қурилмалари, флипчарт, маркерлар, тарқатма материаллар.

Гурух кичик гурухларга бўлиниб ҳар бир кичик гурух ўзиниг соҳасига оид муаммони танлаб “идрок харитаси” технологиясида таҳлил қиласди. Муаммони ечимини таълимий дастурий ва интернет ресурслар, серверлар ёрдамида қандай ечиш мумкинлигини исботлайди. Тингловчиларни баҳолашдан олдин қуйидаги турдаги “**Ассесмент**” (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилиш методи ёрдамида жадвални тўлдириб сўнг баҳоланг. Баҳолаш ўз ўзини баҳолаш усулида бўлади. Ҳамма ёзиб бўлганидан сўнг жавобларини очиб проектор орқали кўрсатиб беринг.

Тест (5 бал)	Муаммоли вазият(5 бал)
<p>1. Ispring Kinetics пакетида яратиладиган электрон ўкув ресурслар</p> <p>a) Тестлар b) Вақт шкаласи c) анкета</p> <p>2. Google Дискда канча ахборот сақлашга жой ажратиб беради.</p> <p>a) 2 Гб b) 3 Гб c) 6 Гб</p>	Педагог дарс ўтаётганида тингловчилар мавзудан ташкари саволлар бериб янги мавзууни бошлашга имкон бермаяпди. Қандай қилиб дарсга қизиқтирасиз?
Симптом	Амалий күнікма
Электрон дарсликка қандай талаблар күйилади?	Қандай ҳукукий ахборот тизимларини биласиз? Уларни имкониятлари ва фарқларини санаң беринг.

V. КЕЙСЛАР БАНКИ

1. Шахс эгаллаб турган туар жой ёки бошқа бино ва худудда тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, қўздан кечириш, алоқа муассасаларида почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва уларни олиб қўйиш, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилаётган сўзлашувларни эшитиб бориш факат ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилиши мумкин. Қанча ахборот мавжуд. Ортиб бориши бўйича кўрсатинг.

2. Суд қарори 35 бет унга 29 бет гувоҳлар маълумотномаси қўшилди. Суд қарорини ҳар бир бетида 315 та белги мавжуд. Гувоҳлар маълумотномасида 217 та белги мавжуд. Иш тамом бўлганида умумий ахборот ўлчами неча Кб бўлади.

Суд, прокурор, терговчи ва суриштирувчи жиноят аломатлари топилган ҳар бир ҳолда, ўз ваколатлари доирасида жиноят ишини қўзғатишлари, жиноий ҳодисани, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларни жазолаш учун қонунда назарда тутилган барча чораларни кўришлари шарт. Ушбу ахборот тармоқ тезлиги 94 бит/сек бўлганда тармоқ орқали жўнатиш учун неча секунт кетади?

3. Ахборотларни ташкилот ходимлари компьютердан иккинчисига узатиши учун бир неча усулларни қўллашни таклиф қилишди. Ҳар бир ходим ўзини фикрини билдириди улардан қайси бири нотоғри фикр билдирган ва нима учун нотўғрилигини асослаб беринг.

1-ходим: Ахборотни USB-флеш қурилмасига ёзиш орқали

2-ходим: Ахборотни электрон почтага юбориш орқали

(Интернетга уланган ҳолда)

3-ходим: Ахборотни CD-дискка ёзиш орқали

4-ходим: Электр манбаа симлари орқали.

4. Ишни юритиш жараёнида шахснинг хукуқ ва эркинликларини бузиш оқибатида унга етказилган заар ушбу Кодексда белгиланган асослар ва тартибда ундирилиши лозим. Қанча ахборот мавжуд. Ортиб бориши бўйича кўрсатинг.(бўш жойларни сананг)

5. Барча судларда, давлат сирларини қўриқлаш манфаатларига зид келадиган, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар қўриладиган ҳолларни истисно қилганда, жиноят ишлари ошкора кўрилади. Қанча ахборот мавжуд. Ортиб бориши бўйича кўрсатинг.(бўш жойларни битта жой деб сананг)

6. Шахс эгаллаб турган турар жой ёки бошқа бино ва ҳудудда тинтүв ўтказищ, олиб қўйиш, кўздан кечириш, алоқа муассасаларида почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва уларни олиб қўйиш, телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб борилаётган сўзлашувларни эшишиб бориш фақат ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилиши мумкин. Ушбу ахборот тармоқ тезлиги 45 бит/сек бўлганда тармоқ орқали жўнатиш учун неча секунт кетади?

7. Ёш мутахассис биринчи суд ишини кўриб чиқаётганида жуда мураккаб ишни қарорини қабул қилишига тўғри келди. Бунда Англия судларини қоидаларига риоя қилган қолда олдинги шунга ўхаш ишларга малакали судялар қандай қарорлар чиқарганини кўриши ва улардан хulosса қилиши учун қандай йўл тутиши керак. Архивлардан ишларни кўтариш ва запрос бериши учун анча вақт кетади. Қарорни эртага чиқариши керак. Муаммони ечимини ва натижаларини беринг.

8. Ҳукукий ахборотни, ҳукукий ташкилотлар орасида локал тармоқда юбориш учун очиқ тармоқда жўнатиш мумкин эмас. Демак буни маҳсус дастурлар орқали ёки рақамли имзо орқали жўнатиш керак деб маълумотни жўнатмасдан тўхтатиб қўйилди. Муаммони ечимини топинг ва натижани жадвалга тўлдиринг.

Кейснинг муаммоси	Ечими	Натижаси
Қанақа муаммо турибди	Қандай ечими бор	Қанақа натижага эга бўлади.

9. Тингловчилар гурух бўйича жорий назоратни муддатидан ўтмаган ҳолда вақтида топшириши керак. Тингловчилар амалиётда ҳар хил ташкилотларда иш ўрганишга чиқиб кетган. Аммо топшириқни уларга шу бугун етказиши ва уларга тақдимот қилиб бериши керак. Шу вақтни ўзида уларни ўргангандлик даражасини билиши учун қандай усулларни ва таълимий ресурларни қўллаш мумкин.

10. Хусусий ташкилот ходимлар бошлиғи аввал судланган фуқарони ҳар хил важлар кўрсатиб ишга олмаслигини айтди. Фуқаро ўз ҳақ Ҳукуқларни ҳимоя қилиши учун ўзи учун тегишли ҳукукий ахборотларни тезлик билан қандай билиши мумкин? Улар устидан қандай қилиб юқори ташкилотларга уйдан чиқмаган ҳолда мурожат қилиши мумкин.

11. Қўйида келтирилган расмни изоҳланг бу қандай дастур ойнаси ва ойнага кириб нималарни аниқлаш мумкин?

Личные Внутренняя переписка

Написать письмо

Входящие(00/30)

Исходящие(04)

Исходящие

Действия

 Отправить Обновить

Фильтрация

Дата от 09.04.2016



Дата до 16.04.2016



Статус



Кому	Тема	Дата
Камалов М.М., Эсипова З.Н., Адилов Н.А., Алиев Х.Т., Ахмедшинов Н.А., Кабанов Д.И., Бородина З.Х., Зулфиков Ш.Х., Иссымолов Б.Т., Махмутов Д.Н., Насироддинов Г.А., Рустамбеков И.Р., Турсунова У.А., Шарипова У.Д., Эльмибердиев А.У., Тулеганова Г.З., Минаков О.М., Саринская Г.К., Хабибуллаев Д.Ю., Самитова Б.Р.	Конференция избиротхана	12.04.2016

VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган холда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:



- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган тизим ва ахборот қидирув тизимлари билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- амалий машғулотларда берилган топшириқларни бажариш.

Мустақил таълим мавзулари:

1. Ҳукуқ ва жамиятда ахборот қидирув тизимларини роли.
2. Қанақа ахборот қидирув тизимларини биласиз уларга мисоллар келтиринг бир бири билан таққосланг.
3. "Норма" ахборот қидирув тизимиning имкониятлари ва устунликларини изоҳланг.
4. "Юрида" ахборот қидирув тизимиning имкониятлари ва устунликларини изоҳланг.
5. "Права" ахборот қидирув тизимиning имкониятлари ва устунликларини изоҳланг.
6. "Lex.uz" ахборот қидирув тизимиning имкониятлари ва устунликларини изоҳланг.
7. "Ижтимоий химоя" ахборот тизимини тузилишини ўрганинг ва уни имкониятлари изоҳланг.
8. "Министерство Юстиции" ахборот тизимини тузилишини ўрганинг ва уни имкониятлари изоҳланг.
9. "ИИВ" ахборот тизимини тузилишини ўрганинг ва уни имкониятлари изоҳланг.
10. "Прокуратура" ахборот тизимини тузилишини ўрганинг ва уни имкониятлари изоҳланг.
11. "Суд" ахборот тизимини тузилишини ўрганинг ва уни имкониятлари изоҳланг.
12. "Адвокатура" ахборот тизимини тузилишини ўрганинг ва уни имкониятлари изоҳланг.
13. "Миграция хизмати" ахборот тизимини тузилишини ўрганинг ва уни имкониятлари изоҳланг.
14. "Солиқ хизмати" ахборот тизимини тузилишини ўрганинг ва уни имкониятлари изоҳланг.
15. "Таможня" ахборот тизимини тузилишини ўрганинг ва уни имкониятлари изоҳланг.

VII. ГЛОССАРИЙ

«Замонавий ҳуқуқий ахборот тизимлар» модули бўйича

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Action	иловада Intent орқали жўнатилувчи хабар	A description of something that an Intent sender wants done. An action is a string value assigned to an Intent.
Intent	иловада ойналар/activity бўйлаб жўнатилувчи хабар обьекти	An message object that you can use to launch or communicate with other applications/activities asynchronously.
OS (Operating System)	Операцион тизим. Курилмадаги энг муҳум дастур	Operating System. The most important program on a device.
актив веб-саҳифа	Айни пайтда очиқ веб-саҳифа	Active webpage- is a web document that is suitable for the World Wide Web and the web browser.
алоқа канали	маълумотлар узатиш канали	communication channel- channel, refers either to a physical transmission medium such as a wire.
аналог	Узлуксиз шаклда акс этувчи тўхтовсиз ўзгарувчи физикавий катталиклар ёки маълумотлар ҳамда ушбу маълумотлардан фойдаланувчи жараёнлар ва функционал қурилмаларга тегишли таъриф.	Analog- a literary work that shares motifs, characters or events with another, but is not directly derived from it.
APIDS	Амалий протоколларга асосланган ёриб киришларни аниқлаш тизими	Application protocol-based intrusion detection system

Ахборий-ҳуқуқий тизим	Компьютерга ўрнатиладиган ва маҳсус дастурий мажмуа ёрдамида турли излаш вазифаларини (актларни ҳужжат номи, қабул қилинган санаси, меъёрий акт тури ва х.к. бўйича излаш) бажариши мумкин бўлган ҳуқуқий ахборотнинг автоматлаштирилган маълумотлар банки.	Information legal system- is any organized system for the collection, organization, storage and communication of information. More specifically, it is the study of complementary networks that people and organizations use to collect, filter, process, create and distribute data.
Resources	илова учун керакли бўлган ресурслар (расм, аудио, видео ва бошқа файллар)	Nonprogrammatic application components that are external to the compiled application code, but which can be loaded from application code using a well-known reference format.
Service	иловаорти хизматлар яратиш учун синф	An object of class Service that runs in the background (without any UI presence) to perform various persistent actions, such as playing music or monitoring network activity.
Surface	Canvas обьектини бошқариш учун обьект типи	An object of type Surface representing a block of memory that gets composited to the screen.
CMS	Контентни бошқариш тизими	Content management system- is a computer application that supports the creation and modification of digital content using a common user interface and thus usually supporting multiple users working in a collaborative environment.
Контроллер	Ихтисослашган процессор. Унинг ёрдамида компьютерга ташки	Controller- a chip or expansion card that interfaces with a peripheral device

	курилмалар уланади.	
Логин	<p>Фойдаланувчининг компьютер ёки тармоқдан фойдаланиш жараёни.</p> <p>Компьютердан фойдаланишга эга бўлиш учун фойдаланилувчи қайд ёзуви номи.</p> <p>Махфий эмас.</p>	Login-is the process by which an individual gains access to a computer system by identifying and authenticating themselves
ADSL	<p>Асимметрик рақамли абонент линияси.</p> <p>Маълумотларни телефон линиялари бўйлаб юқори тезлик билан узатиш технологияси.</p> <p>DSL оиласига мансуб технологиялардан бiri.</p>	Asymmetric Digital Subscriber Line
Window	иловани интерфейсларини яратиш учун абстракт синф	In an Android application, an object derived from the abstract class Windowthat specifies the elements of a generic window, such as the look and feel (title bar text, location and content of menus, and so on).
Контент- провайдер	Фойдаланувчиларга муайян ахборот ёки кўнгил очадиган хизматларни кўрсатувчи ташкилот.	Content-provider- is a popular telecommunications industry term for non-core services, or in short, all services.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. David Moursund Introduction to Information and Communication Technology in Education., Teacher Education, University of Oregon Eugene, Oregon 97405
moursund@oregon.uoregon.edu
2. Gary B. Shelly Misty E. Vermaat Contributing Authors Jeffrey J. Quasney, Susan L. Sebok, Steven M. Freund Discovering Computers 2011: Living in a Digital World, Complete. Boston, MA 02210 USA.
3. Vermaat, Sebok, Freund, Campbell, Frydenberg. Discovering Computers. – Boston: “Cengage Learning” 2016. – p. 726
4. С.С.Қосимов. Ахборот технологиялари. Тошкент., 2006 йил. ТАТУ.
5. Гуломов С.С. ва бошқалар. Ахборот тизимлари ва технологиялари – Т.: “Шарқ”, 2000 й.

Интернет ресурслар

1. <http://www.gov.uz>
2. <http://www.lex.uz>
3. <http://www.minjust.uz>
4. <http://www.legislature.uk>
5. <http://www.law.uk.edu>
6. <http://www.juristlib.uk>
7. www.cavendishpublishing.com